ЯНВ 1992

Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 11 ЯНВАРЬ, ШАНБА

№ 4 (5601)
Баҳоси сотувда 35 тийин.

«Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни» лойиҳаси муҳокамада

Ўзбекистон халқларининг социал-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан баркамоллик касб этиши учун халқ маорифини янги босқичга олиб чиқмоқ керак. Ҳали-ҳанузгача у диққат эътиборни тортмайдиган соҳа ҳисобланган бўлса, энди рўзнома саҳифаларида муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳаси социал ривожланиш жараёнининг асосий устунларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиздир. Муҳим ҳужжатнинг ўн тўрт маротаба қайта ишланганлиги ҳам масаланинг нақадар жиддийлигини билдиради. Олий Кенгаш ноиб-

ТАЛАЙ МУЛОҲАЗАЛАРДАН СЎНГ

лари, Халқ таълими вазирлиги ходимлари вилоятларда бўлиб, Қонун лойиҳаси юзасидан жойлардаги мулоҳазаларни ўрганиб чиқишди. Назаримизда, халқ ҳукмига ҳавола этилган ҳужжат лойиҳасида маорифнинг барча жиҳатлари қамраб олинган. Энди унга айрим ўзгартишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритилмоғи керак, холос.

Қуйида биз ушбу ҳужжат лойиҳасини мукаммаллаштириш юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларнинг айримларини эълон қилишни лозим топдик.

Сирдарё вилояти Гулистон ноҳиясидаги 18-ўрта мактаб педагогик жамоаси:

«Маърифат» рўзномаси саҳифаларида эълон қилинган «Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни» лойиҳасидаги айрим моддалар бизни қувонтирди, айримлари эса жиддий ўйлашга мажбур этди. Айниқса, педагогларнинг иш ҳақлари ва уларни пенсияга узатиш хусусидаги изоҳталаб бандлар бунга сабаб бўлди. Масалан, ўқитувчиларнинг педагогик иш стажлари 20 йилдан кам бўлмаган ҳолда 50 ёшда—аёллар, 55 ёшда—эркаклар пенсияга узатилади. Агар педстажлари 20 йилдан кам бўлса, 50 ёшда пенсияга чиқишмайдими?

Истагимиз, бир хайрли ишга қўл урилса-ю, шу тоифа кишилари 20 йиллик педстажи билан, ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқишса, қолган ҳаётларини ўсмир болаларни тарбиялашга сарфлашса, худо умр бериб, ўзлари учун ҳам бир-икки йил яшаса, деймиз. Шу қаторда ўқитувчини моддий рағбатлантириш йўллари ҳам Қонунда аниқ акс этиши зарур. Бизнинг фикримизча, оқсаётган таълим ва тарбия соҳасини ўқитувчи ва ўқувчилар оммасини маънавий ҳамда моддий жиҳатдан рағбатлантириш билангина жонлантирса бўлади.

З. Турсунов, Самарқанд вилояти Каттақўрғон ноҳиясидаги 54-ўрта мактаб директори:

Таълим тўғрисидаги янги Қонун лойиҳасига баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Фикримча, таълимнинг барча босқичлари бола учун ихтиёрий бўлгани маъқул. Негаки, биз ўғил-қизлар қўлига шаҳодатнома, гувоҳнома тутганимиздан кейин «Ким ўзар» эълонлари рўзномаю деворларни босиб кетади. Энди фақат боланинг ўзи эмас, ота-онаси чопади. Шу жойда ҳақли савол туғилади: нега энди ота-она ўз боласини 1-синфга йўллашга шошилмайди, чопмайди. Шаҳарни билмайман-у, қишлоқ шароитида ҳамма юк мактабда: муаллим ҳар бир хонадонга кириб ўғил-қизларни рўйхатга олади, ҳужжат тайёрлайди, болани мактабга олиб келади, уйига кузатиб қўяди. Оила эса четда томошабин. Агар тўққиз йиллик таълим мажбурий қилинадиган бўлса, ўқувчининг ҳам, ота-онанинг ҳам жавобгарлиги хусусида алоҳида моддалар қонунга киритилмоғи керак. Шунингдек, иккинчи босқич мактабини тугатганларни ўрта мактаб босқичига қабул қилиш (танлов ўтказиш) мактаб ихтиёрига берилса ҳамда бу босқичдаги таълим пулли бўлса, назаримда, техникум, олий илмгоҳдагилар «ташвиши» камаяди».

М. Жумаев, Бухоро вилояти Свердлов ноҳиясидаги ўқувчилар уйи услубшуноси:

«Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни» лойиҳасини ўқиб чиқиб, анча вақтгача ўйланиб юрдим. «Фикр-мулоҳазаларимга эътибор беришармикан, таклифларимни инобатга олишармикан» деган хаёлларга бордим. Шунга қарамай, қуйидаги таклифларимни билдиришга қарор қилдим:

— Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар уюшмасининг халқ таълими тизимига кириши ушбу қонунда ўз аксини топиши;

— шу пайтгача кашшофлар ва ўқувчилар уйлари ёки саройлари деб аталган масканларнинг аҳамияти ҳам унда аниқ кўрсатилиши керак».

«ЎҚИТУВЧИ—92» КЎРИГИ

МУАЛЛИМЛИК МАҲОРАТИ

Яқинда Қарши шаҳридаги К. Ўлжабоев номли 2-ўрта мактабда вилоят ўқитувчиларидан энг сараланган, ижодкор, бунёдкорлари билан беллашув ўтказилди.

Бу мусобақа халқ таълимидаги муаммоларни ечиш ҳар бир ўқитувчининг ўзига ҳам нақадар боғлиқ эканлигини очиқ-ойдин кўрсатди.

Кўрикнинг вилоят танлови босқичида иштирок этганлар нотаниш синфда дарс ўтиши, ўз шахсини таништириши, ижодий ишларини кўрсатиши, педагогик-руҳшунослик муаммоларига доир саволларга жавоб бериши, бўш вақтини қандай ўтказишни ифодалаши, 30 дақиқада дарс учун кўргазмали қурол тайёрлаши ва келажакда ўзбек миллий мактаби қандай бўлиши кераклигини ёзма баён қилиши лозим эди.

Кўрик-танловда Китоб ноҳиясидан ташқари, барча халқ таълими бўлимларидан 18 нафар ўқитувчи иштирок этди. Иштирокчиларнинг 3 нафари олий тоифали ўқитувчи эди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятдаги ҳунар-техника билим юртларидан бирор ўқитувчи кўрик-танловида қатнашиш истагини билдирмади.

Иштирокчиларнинг 6 нафари бошланғич синф ва ўзбек тили, 2 нафари рус тили ва математика, биология, француз тили ва бошқа фанлардан бир нафардан ўқитувчилар қатнашди.

Кўрик-танлов иштирокчиларининг ҳар бири ўзига хос, янгиликка интилувчи, назарий билимли ва методик маҳоратли муаллимлар эканлиги ҳайъат аъзоларида қониқиш ҳосил қилди. Айниқса, Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур номли мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Яшнар Авлоқуловнинг ташкил этган қўғирчоқ театри, ўқувчилар ансамбллари ҳамда мактаб ўқувчиларининг ўз биринчи китобини яратганликлари, Косон ноҳиясидаги М. Горький номли мактаб олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Дилмурод Қаҳҳоровнинг қоғоз ва ёғочдан ясаган ҳаракатланувчи кўргазмали қуроллари ҳамда миллий кийимдаги бадиий чиқишлари, Қарши шаҳридаги М. Горький номли мактаб олий тоифали математика ўқитувчиси Муҳаббат Шаропованинг 7 йилдан буён дарсликсиз математика фанини чуқурлаштирилган дастур асосида олиб бориш тажрибаси ва 30 дақиқада 8 дарс учун кўргазмали қурол тайёрлай олиши, Ульянов ноҳиясидаги К. Маркс номли мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Эркин Холмуродовнинг 14 нафар муаллимлар сулоласининг вакили сифатида бугунги дарсликларни таҳлил этиб, муаллимлар билан мулоқотда бўлиб боришари ва ҳатто кинога тушира олиши, Шаҳрисабз ноҳиясидаги Фрунзе номли мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Ойгул Жабборованинг ҳар бир кўргазмали қуролни 3-4 фанни ўқитишга мўлжаллаб тайёрлай олиши, Китоб шаҳридаги Куйбишев номли мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Матлуба Муқумованинг ўқувчилар билан одоб-ахлоқ мавзусидан асарларни саҳналаштириб бориши, кимё фани учун чиқарилган тестдан ўзбек тили ва адабиёти ўқитилишида фойдаланиши, ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш тажрибаси, шеър ёзиш ва уни ифодали ўқий олиш тажрибаси ҳайъат аъзоларн ва кузатувчиларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, танлов Чироқчи, Деҳқонобод, Баҳористон ва Қарши ноҳия вакилларининг тўла тайёргарлик билан келмаганлиги ҳамда яккабоғлик иштирокчи ва имконият бўлмаганлигидан ўзининг 10 фойиз ҳам ижодий ишларини олиб кела олмасдан ҳижолат тортганлигини кўрсатди. Бироқ, шунга қарамасдан, танлов фахрли ўқитувчиларимизни аниқлаш учун бизга катта имконият яратди.

«Ўқитувчи-92» вилоят танловининг ғолиблиги Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур номли мактаб ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Яшнар Авлоқуловга насиб этди. У энди жумҳурият кўригида вилоят ўқитувчилари шарафини ҳимоя қилади.

Вилоят танловида Косон ноҳиясидан Дилмурод Қаҳҳоров ва Қарши шаҳридан Муҳаббат Шаропова иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди.

Г. АРАЛОВА,
Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, ҳакамлар ҳайъати раиси.

Ж. ЖИЛОВОВ,
ҳакамлар ҳайъати котиби.

Дўстлик ноҳиясидаги Файзулла Хўжаев номли 6-ўрта мактабда ўқувчиларнинг тўла билим олишлари учун қулай шароитлар яратилган. Буни илм масканида фаолият кўрсатаётган турли тўгараклардан ҳам билса бўлади.

Тасвирда: муаллим Х. Муродов ЭҲМда бажариладиган энг қийин машғулот сирларини 11-«Б» синф ўқувчиларига ўргатаётир.

Умарали ХУШВАҚТ олган сурат.

ТИЛ—ДИЛГА КАЛИТ

Маълумки, жумҳуриятимиз мустақилликка қадам қўйиши биланоқ, халқ хўжалигининг барча соҳаларида мутахассислар тўлиқ етишмаслиги, етишса ҳам сўнгги янги фан ва техника ютуқларидан тўла-тўкис хабардор эмасликлари яққол кўзга ташлана бошлади. Бунинг асосий боисларидан бири халқимизнинг чет тилларга муносабати ниҳоят даражада сусайтириб юборилганлигида, деб ўйлаймиз.

Жумҳуриятимиз Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида худди ана шу масала эътиборга олиниб, 29-июнь 1991-йилда минтақаларда тил ўрганиш марказларини ташкил этиш лозим топилди ва махсус қарор қабул қилинди. Ушбу қарорнинг амалга оширилиши учун, яъни марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини жадаллаштириш, энг аввало, вилоят раҳбарларига, вилоятда мавжуд корхона ва ташкилотлар бошлиқларига топширилди.

Ниҳоят, бизнинг Сурхондарё вилоятида тил ўрганиш маркази олийгоҳ қошида, чет тиллар бўлими базасида ташкил этилди.

Албатта, марказнинг ташкил этилиши ўз-ўзидан бўлган эмас, бунда бир талай камчиликлар бўлиб, уларни ҳал этишда асосан олийгоҳимиз ректорати ёрдам берди.

Марказ учун техник воситалардан лингафон комплекси, магнитофонлар, кинопректорлар ва шунга ўхшаш кўпгина буюмлар, жиҳозлар харид этилди.

Жумҳуриятимиз Вазирлар маҳкамасининг 1991-йил 29-июндаги 197-сонли «Жумҳурият мутахассислари ва таълим олаётган ёшларга чет тилини янада мукаммалроқ ўргатишни яхшилаш ва унинг моддий-техника базасини ривожлантириш» ҳақидаги қарорини амалга ошириш ниятида вилоят ижроия қўмитаси 16 октябрь 1991 йилда алоҳида қарор қабул қилди.

Ҳозирги кунда тил ўрганиш Марказида 80 га яқин халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларидан мутахассис ёшлар — муҳандислар, табиблар, ҳуқуқшуносла (юристлар) таълим олмоқда.

Марказда, айниқса, сидқидилдан меҳнат қилаётган доцент Б. Жабборов, М. Ашуров, катта ўқитувчилардан С. Азизова, Х. Кўчкинов, ўқитувчилардан М. Скрехина, Н. Муродов ва бошқаларни тилга олиш мақсадга мувофиқдир. Улар дарсларни мавжуд техник воситалар, кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда ўтмоқдалар.

Олийгоҳ ректорати чет тилларни ўрганишга алоҳида эътибор бериб, 17-октябрь 1991-йилдан бошлаб тил ўрганиш марказининг ташкил этилиши, кундузги ва сиртқи чет тиллар бўлимларининг мавжудлигини ҳисобга олиб, тарих-филология факультети базасидан ажратиб, алоҳида чет тиллар факультети ташкил этилсин, деб буйруқ берди. Буйруқда чет тиллар факультети учун алоҳида бинони тезда таъмирлаш ва зарурий техник-воситалар, кўргазмали қуроллар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Юсуф РАҲМОНОВ.

ҲИММАТЛИЛАР

ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

Кўп йиллардан буён ўқитувчилик касбининг шарафли эканлиги ҳақида баландпарвоз гаплар айтилиб келинди. Лекин амалда бирор арзигулик иш қилинмади. Мана энди ҳукуматимиз ҳам, жойлардаги илғор фикрли, келажакни олдиндан кўра оладиган корхона, хўжалик раҳбарлари ҳам мактаб ва ўқитувчининг жамиятда тутган ўрнини тўғри тушуна бошладилар.

1990 йилнинг август ойида Тошкент ноҳияси ўқитувчиларининг август кенгашида Карл Маркс номли жамоа хўжалиги раиси (ҳозир ноҳия Кенгаши раиси), Ўзбекистон халқ депутати Рустам Акбаров ажойиб бир таклифни киритгани кўпчиликнинг ёдида.

— Ноҳиямизда бадавлат — миллионер хўжаликлар кўп, — деганди Р. Акбаров. — Келгусида бундан ҳам бадавлат қилишимиз мумкин. Бунинг учун бизга ҳозирги замон техникасини яхши эгаллаган, ўқимишли, ишбилармон кадрлар керак. Хўш, бу кадрларни кимлар тайёрлайди. Ҳаммамизга аёнки, дастлаб ёшларга тарбия ва билим берувчи киши — ҳурматли ўқитувчиларимиз. Шу туфайли уларнинг обрўсини юксак даражага кўтариш керак. Менимча, уларнинг олаётган маошлари, иқтисодиёти ҳозирча етарли эмас. Шуни яхши билингки, агар ўқитувчининг иқтисодиёти яхши бўлмаса, ҳар қандай тажриба ва билимга эга бўлган ўқитувчи ўзидаги билимни болаларга тўлиқ бера олмайди. Мен ҳам бир неча йил ўқитувчилик қилганман. Рўзғорда бирор нарса етишмай қолса, ҳатто дарс бериб турганингда ҳам шу нарса ёдингга келади, хаёлинг паришон бўлиб қолади. Албатта, бу муҳим масала устида раҳбарларимиз пухта ўйламоқлари зарур. Шу туфайли ноҳиямиздаги имкониятга эга бўлган жамоа хўжаликлари ўз қарамоғида бўлган боғча, мактабларга яқиндан ёрдам бериши, 1990—91 ўқув йилидан бошлаб мактабдаги 1-синф ўқитувчиларига қўшимча маош белгилаши, яхши ўқиётган ўқувчиларга мукофот тариқасида стипендия ташкил этишини таклиф қилардим. Чунки 1-синф ўқитувчисининг иши жуда оғир.

Бу таклифни кенгаш қатнашчилари узоқ қарсаклар билан кутиб олишди. Ана шу муҳим таклиф август кенгаши қарорига киритилди. Ана шу таклиф ўртага ташланганига ҳам бир ярим йил бўлди.

Яқинда август кенгашининг қарори қандай бажарилаётганлигини билиш мақсадида «Ленин йўли» жамоа хўжалигида бўлдик. Бошқарув аъзолари — жамоа хўжалиги раиси — Сиддиқ Маҳамаджонов, раис муовини Акбар Сулаймонов, маданий оқартув бўлим мудири Малика Қурбонова билан бафуржа суҳбатлашдик.

— Сиддиқжон ака, маълумки, Сиз раҳбарлик қилаётган жамоа ноҳияда энг бадавлат хўжаликлардан ҳисобланади. Ташаббусингиз билан мактаб ўқитувчиларига қўшимча маош ва илғор ўқувчиларга стипендия жорий этилибди. Бунинг жамоа учун қандай манфаати бор,

— 1990 йил августида бўлган ўқитувчилар кенгашида мен ҳам бор эдим. Ўртага ташланган таклифни йиғилиш аҳли қувонч билан қабул қилди. Эртасигаёқ бошқарув аъзолари маслаҳатлашиб, жамоамиздаги Муҳамаджон Фозилов номли 4-ўрта мактаб маъмуриятига хат йўллаб, 1-синф ўқитувчиларидан бир кишини ва илғор ўқувчилардан 3 кишини ўқитувчиларнинг педагогик йиғилишида аниқлаб, қарор чиқариб беришларини илтимос қилдик. Бу таклифимиз тезда амалга оширилди. Ниҳоят, 4-ўрта мактабнинг 1-синф ўқитувчиларидан Алфира Абдуллаеванинг номзодини беришди. Илғор ва одобли, интизомли ўқувчилардан 3 кишининг рўйхати

(Давоми 2-бетда).

КИЧКИНТОЙ РИЗҚИНИ ҚИЯЁТГАНЛАР

Иқтисодимиз касодлиги, аҳволни ўнгламасдан ўзга йўлимиз йўқлиги ҳеч кимга сир эмас. Қаерга қараманг, ким билан учрашманг, нархнаво хусусида сўз очади. Оддий кундалик эҳтиёж моллариню тансиқ озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам дўкондан тополмайсиз. Лекин бундоқ қарасангиз, ҳамма корхоналар ишлаяпти. Маҳсулот чиқарилмоқда. Хўш, шу маҳсулотлар қаерга кетаяпти? Ва яна энг ачинарлиси, оғир турмушдан билибми-билмай азият чекаётганлар сони кўпайибгина қолмай, улар ёшараяпти ҳам. Бунга эса қайсидир маънода ўз ишини эплолмаётган идоралар раҳбарлари ҳам айбдор.

Район молия бўлими, мудит тозалиги назорати ходимлари билан ҳамкорликда прокуратурамиз тафтиш кўриги ўтказиб амин бўлдики, айрим раҳбарлару «сув»нинг бошида ўтирган кимсалардан бурд кетибди. Гап райондошларимизнинг ўн олти минг нафар фарзандлари қатнаётган эллик иккита (замонавий биноли) болалар муассасаларидаги аянчли аҳвол тўғрисида бормоқда. Аслида районимизда бирдан олти ёшгача бўлган болалар 28 минг 105 нафардан ошади. Болалар муассасаларига фарзандини жойлаштира олмай овора бўлиб юрган ота-оналар жуда кўп. Янги болалар боғчаларини қуриш учун эса айрим ҳудудларда, хусусан, Октябрь массивида бўш жой йўқ. Аммо бу аҳвол узоқ давом этиши мумкин эмас, қачондир, ким томонидандир ҳал этилиши керак. Лекин қачон?

Очиғи, 450, 291, 483, 492, 393, 490, 388-болалар муассасаларидаги муҳитни кўргач, киши ўз фарзандини ҳам шу қадар қаровсиз қолдириши мумкинлигидан ҳайратга тушдик. Ёлғон эмас, худди шу муассасалардаги — боғчалардаги ҳиддан бошингиз айланади, маҳсулот сақловчи қурилмалар ишдан чиққан, ҳатто болалар ётиб-турадиган каравотлар ҳам тузатишга маҳтал бўлиб турибди. 492, 394 ва 251-болалар боғчаларидаги сув таъминоти талаб даражасида эмас. 386-боғчада эса ҳатто гоҳи-гоҳида иситиш системаси ҳам ишламай қолар экан. 450, 490, 492-боғчалардаги кичкинтойлар иситиш қозонининг нобоплигидан қаҳратонда қай аҳволда ўтиришади — аҳлга сиғдириш мушкул. Аксарият боғчаларда биноларни шамоллатиш, маҳсулотларни озода сақлаш тартиби йўқ. Таомлар масаллиғи истеъмол қилиб бўлмайдиган даражада ифлосланиб кетган. Оқибат болалар ўртасида сурункали касалланиш ҳолатлари ўтган йилга нисбатан кўпайиб, 25,1 фойизни ташкил этди. Ота-оналар ўз ғўдагини касалликка чалинсин, деб боғчага юбормайди-ку, дерсиз. Бу тўғри. Лекин начора, аҳвол ўнгланар деган мазмунда шу йилнинг ўзидаёқ назоратсиз қолган, ёмон ишлаётган муассасаболаларга 33 марта жарима солиниб, уларнинг учтаси, жумладан, 17-боғча 14 июлдан 4 сентябргача (тозалик куни ўтказиш учун) ёпиб қўйилган.

186, 328, 334, 387, 393, 397-болалар боғчаларида озиқ-овқат сифатининг пастлиги, овқатга масаллиқларнинг етарли миқдорда ишлатилмаганлиги аниқланди, бироқ бу манзара мудирларни сира ажаблантирмади, афтидан улар бунга кўникиб қолишган. Жумладан В. Пирогова, С. Шербина, А. Раҳмонқулова, Албекова, Л. Громова, С. Гук, Музаффарова, З. Алимовалар мудиралик қилаётган 61, 336, 338, 386, 331, 431, 404, 492, 452-болалар боғчаларини масаллиққа нисбатан овқатлар сифати 50 фойизгача тушиб кетган. Мана шундай сифатсиз овқат тайёрлаган ошпазларнинг баднафслиги ҳақида эътироз билдирмасак ҳам бўларди. Уларнинг мудиралар билан тили бир, албатта. Бўлмаса 483-боғчада М. Набиева исмли аёл райондаги идорада ҳужжатларини расмийлаштирмай, тиббий текширувдан ўтмай, ошпаз бўлиб ишлаб юрармиди, дейсиз. Бунинг устига худди шу боғчанинг ошхонаси ишламаётганига бир неча ой бўлди, ҳозир болалар овқатланаётган очиқ жой эса қурилиш чиқиндилари уюмининг биқинида. Боғча ҳамшираси М. Саидованинг оқ халатсиз юргани, ўз ишига масъулиятсизлиги ҳеч кимни ташвишлантираётгани йўқ.

А. Раҳмонқулова мудиралик қилаётган 386-боғчадаги ҳамшира менюга қўл қўймас экан. Тағин шу боғча ошхонасида ишлаётган Г. Азизова қатори жамоанинг 12 нафар ходими тиббий кўрикдан ўтмаган. 388-боғчанинг ошхонасидаги манзара ҳам соғ одам чидайдиган даражада эмас. 483, 244, 387-болалар боғчаларида эса мудиридан тортиб ходимигача ишга хоҳласа келиб, хоҳламаса келмас экан. Ўзлари тарбияга, интизомга амал қилолмаган жамоада кичкинтойлар аҳволи нима кечди экан? Дарвоқе, мудиралар бу тартибсизликлару қоида бузарликлар неча ўн минглаб ота-оналарнинг кўнглига ғулғула солишини, оворaю сарсон қилишини билишармикан?

Аслида текшириш жараёнида аниқланган барча камчиликлар ўша жойдаги манзаранинг бир қунлиги, бир шингили, холос. Фақат ўзим бўлай дейиш эртанги кунимиз эгалари бўлган болаларнинг соғлигини ўйламаслик бориб турган маънавий шабқўрликдир. Шу ўринда кичик бир изоҳ: яқинда район маориф бўлими мудирининг буйруғига кўра ишдаги хатолари учун (текшириш якунлари асосида) 17-боғча мудираси М. Абдураҳмонова ўз вазифасидан бўшатилган. 386 ва 388-боғча мудиралари А. Раҳмонқулова ва В. Пироговаларга эса ҳайфсан эълон қилинган, Бошқа раҳбарлару ҳамшираларга ҳам жиддий огоҳлантириш берилган. Сир эмаски, раҳбардаги арзимас бир иллат бутун жамоани бузади, соғлом муҳитни издан чиқаради. Қани энди буни жумҳуриятимиздаги барча болалар муассасаларидаги каттаю кичик раҳбару ходимлар тўғри тушунишса, ишларида яхши томонга кескин бурилиш ясасалар. Зеро, бизнинг райондаги болалар муассасаларида текшириш ўтказишимиздан ҳам кутилган асосий мақсадимиз шу эди.

М. ҲАМДАМОВ,
Акмал Икромов район прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

А. АЛИҚУЛОВ,
журналист.

ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

(Бошн 1-бетда).

ҳам берилди. А. Абдуллаева йил давомида ҳар ойда 140 сўм, уч ўқувчининг ҳар бирига 15 сўмдан стипендия олиб турди. Бу ўқув йилида ҳам юқоридаги миқдорда стипендия тўлаб келмоқдамиз. Бундан ташқари, 4-ўрта мактабнинг хўжалик ишлари, ремонт ва майда-чуйда қурилишлари учун барча харажатларни жамоа хўжалиги ҳисобидан тўлаймиз. Шунингдек, 1—5-синфлар учун овқат пулини, маҳсулотини ҳам етказиб берамиз.

Суҳбатимизга жамоа хўжалиги раиси ўринбосари Акбаржон Сулаймонов ҳам қўшилди:

Мактаб ўқитувчиларининг хизматлари беқиёс. Шунинг учун уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келаётирмиз. 4-ўрта мактабда 30—40 йилдан буён сидқидилдан ишлаб келаётган ҳурматли устозлардан Тоҳир ака Муҳаммаджонов, Ортиқ ака Лутфуллаев, Турдибой Қорабоев, Қўйсин Назарова, Зокир Собиров каби илғор ўқитувчиларимиз борки, уларнинг кўп йиллик меҳнати таҳсинга лойиқ. Ана шу устозларнинг қўлида таълим олган жамоамизнинг 3-соҳибкорлик бригадаси бошлиғи Муҳаммаджон Холматов, теплица бригадири Абдусаттор Нурхонов, 4-сабзавотчилик бригадири Сайдимурод Абдураҳимов, 9-бригада бошлиғи Баҳодир Боймуҳамедов, 10-бригада бошлиғи Абдулла Ортиқовлар олий даргоҳни тугатиб, ҳозир хўжалик даромадини юксак даражага кўтармоқдалар. Мана шу илғор бригадаларимизнинг тадбиркорлиги, меҳнатни тўғри уюштира олиши, техникадан унумли фойдаланишлари туфайли йиллик даромад йил сайин ортиб бормоқда. Агар жамоамизда 1990 йилда 7 миллион соф даромад олинган бўлса, 1991 йилда бу даромад 11 миллионга етди. Жамоа хўжалигимиздаги «Наврўз» ва «Қалдирғоч» номли боғча ҳамда 4-ўрта мактабнинг 1 гектарга яқин ерига жамоа боғбонлари 2 минг тупга яқин турли мевали ниҳолларни етказиб бердилар. Ҳозир бу ниҳоллар ҳосилга кириб, қўшимча даромад бермоқда.

Ўқитувчиларни ҳар қанча эъзозласак арзийди, — дейди маданият бўлими бошлиғи Малика Қурбонова. — Мен 4-мактабда 10 йил ўқиб, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугатдим. Ниҳоят, ўзим ўсиб улғайган жамоа хўжалигига келиб бир неча йилдан буён маданий-оқартув ишларига бошчилик қилиб келмоқдаман. Мактабга жамоа хўжалигимиз ҳамиша ёрдам бериб келган. Айниқса, байрам кунлари ва бирорта ўқитувчининг туғилган кунида қўлдан келганча ёрдам қиламиз. Хўжалик ҳудудида яшовчи ўқитувчиларга ер участкалари берилган.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб раисимиз Сиддиқжон ака айтганларидек, 3—4 та илғор ўқитувчини қўшимча маош билан таъминлаш кўзда тутилаётир. Бунинг учун моддий имкон бор.

«Ленин йўли» жамоа хўжалигининг 4-ўрта мактабга қилган саховати, мактабга қандай ёрдам бераётганлигини билиш мақсадида 4-мактаб томон йўл олдик. Мактаб учун замонавий типда янги бино қурилган бўлиб, машғулотлар икки сменада олиб бориларкан.

Суҳбатимиз хўжаликнинг мактабга ва ўқитувчиларга ҳиммати ҳақида бўлди.

— Аввало шуни қайд этиш зарурки, — дейди мактаб директори Жалолиддин Нуриддинов, — «Ленин йўли» жамоа хўжалиги ёшларимизнинг яхши ўқиши ва тарбияси тўғрисида қайғуриб келади. Ўтган ўқув йилидан бошлаб 1-синф ўқитувчиларидан энг илғорини рағбатлантириш ташаббусини ноҳияда биринчи бўлиб бошлади. Бу ташаббус ўқитувчилар орасида ўз касбига қизиқишни, болаларга чуқур билим беришга интилишни янада кучайтириб юборди.

«Ленин йўли» бошлаган ташаббус, — дейди Тошкент ноҳияси халқ таълими бўлими мудири Ўткир Маҳмудов, — тезда ноҳиямиздаги бошқа жамоа хўжаликларига ҳам етиб борди. Ноҳияда миллионер хўжаликлардан ҳисобланган Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалиги 22-ўрта мактабга, Ильич номли жамоа хўжалиги 19-ўрта мактабга, Навоий номли жамоа хўжалиги 15-мактабнинг илғор ўқитувчиларига ҳам қўшимча маош тўлашни амалга ошира бошладилар. Ҳозир бошқа хўжаликлар ҳам 1991 йил якунини ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, ўз ҳудудларидаги мактаб ўқитувчиларига қўшимча маош тўлашни режалаштирмоқдалар.

Ҳа, бундай саховатни кўриб, «ҳиммат-тингизга балли!» деймиз.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
М. ҒАФУРОВ.



ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ФИДОЙИЛИК

Тошкент шаҳридаги 21-болалар боғчаси «Фаол» маҳалласининг мослаштирилган кичик ҳовлисида жойлашган эди. Ўтган йили собиқ 9-поликлиниканинг биносини ажратишди. Бу ҳар томонлама қулай катта бино қисқа фурсатларда таъмирланди. Ҳозир болаларнинг барча гуруҳлари учун ўйнаш, ухлаш, спорт билан шуғулланиш ва овқатланиш хоналари бор. Ота-оналар ҳам ўғил-қизларнинг яхши шароитда тарбия топаётганидан мамнун. Барча юмушларда боғча мудираси Нафиса Юнусованинг ўзи бош-қош. У доимо гуруҳ тарбиячилари билан бамаслаҳат иш тутади. Мудиранинг яна бир яхши фазилати шундаки, у ушбу маскани катта бир онлага қиёслайди ва шунга яраша иш юритади.

Мабодо ота-оналар даврасида суҳбат қургудек бўлсангиз, меҳнат фахрийси, гул умрининг 23 йилини шу масканда ўтказган Машҳура опа Ортиқовани алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Албатта, у дастлаб жажжилар билан мулоқотни «Ассалому алайкум»дан бошлайди. Чунки ҳар қандай ишнинг бошланиши эрталабки муомалага боғлиқ.

— Мен эрталаб ота-оналар билан учрашганимда ҳолаҳволини, кайфиятини, онласини албатта суриштираман, — дейди опа биз билан суҳбатда. — Бунинг ўзига хос сабаби бор. Тарбияланувчиларнинг ота-оналари уларнинг бутун диққат-эътиборини талаб қиладиган касбларда ишлашади. Салгина нордон гап гапириб қўйсангиз борми, табиати хира бўлиб, кайфияти кун давомида бузилиб юради. Масаланинг бу жиҳатини ҳам чуқур ўйлаймиз ва баъзан жажжилар тарбияси мисолида катталарга ибрат кўрсатамиз.

Дарҳақиқат, Машҳура опанинг иш методида киши англамайдиган сир ёки педагоглар тили билан айтадиган бўлсак, ажойиб услуб бор. Масалан, баъзи тарбиячилар халқимиз доимо ардоқлаб келган «Яхши сўз — жон озиғи», «Қуш уясида кўрганини қилади» каби мақол, маталларга унчалик аҳамият беришмайди. Албатта, бундай тамойилларга эътиборсизлик таълим-тарбия жараёнига таъсир этмай қолмади. Шунинг учун ҳам донишмандлар тарбиячи, аввало, тарбияланган бўлмоғи лозим, деб қайта-қайта таъкидлаганлар.

Машҳура опанинг энг яхши одати — кичкинтойларни кунора эртаклар оламига бошлайди. Эртаклардаги сирли хусусиятларни ҳамма ҳам билавермаслиги аниқ. Доно халқимиз эса ёвузлик устидан яхшилик, ноҳақлик устидан адолат тантана қилишига ишонч ҳосил қилган вашу асосда ўғил-қизларини тарбиялаб, маънавий озуқа берган. Опа ҳам қадимий анъаналарга амал қилиб болаларга диафильмлар намойиш этади ва уларга майин овозда эртак сўзлайди. Жажжилар юзидаги қувонч аралаш ҳаяжонланишни кўрганда М. Ортиқованинг ўзи беихтиёр ўйга чўмади: мана, йигирма уч йиллик умр шу даргоҳда ўтди. Бироқ бу йиллар оз давр эмас. Шу орада собиқ тарбияланувчилар камолга етди. Улар «тарбияси оғир» деган ном қолдиришмади. Шунисига ҳам шукур!

Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган 21-болалар боғчаси жамоаси тарбиячилик вазифасини виждонан бажараётган Маъсуда Тошмуҳамедовани ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки у ҳар доим кичкинтойларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга ҳаракат қилади.

— Биз қўллаётган тарбия услубимизни баъзилар эскича тарбия деб баҳо берганларига нима дейсиз? — дейди Маъсуда опа суҳбатга қўшилиб, — Албатта, бу турғунлик йилларидаги гап. Энди миллий урф-одатларимизни тиклайдиган замон келди. Қадим-қадимда ҳам ота-боболаримиз бола тарбиясида ҳамиша бешик, беланчак каби воситаларни қўллашгани, болаларга жажжилигидаёқ эртаклар, насиҳатлар айтишгани ҳақиқатку.

М. Тошмуҳамедованинг фикрларига эътироз билдиришга шошиламан. Баъзи мактабгача тарбия муассасаларида компьютерлар ўрнатишга ҳаракат қилинаётганини айтгим келади, ва шу ўринда бироз орқага қайтаман. Шарқ педагогикасининг англаб бўлмас қирраларини ўзимча излайман. Мана у, дейман ҳайратга тушиб: оналар алласи. Сеҳрли куч — алломалар қадрлаган туйғу. Жажжиларни мустақил республикани қўриқлайдиган ботир, ватанпарвар қилиб тарбиялайдиган томирлар. Мутахассисларнинг фикрича ҳам, она алласини тинглаган фарзандлардан ёмон хислатли инсонлар етишиб чиқмас экан.

Тарбия масканидан қайтар эканман, уларга юрагим тубидан отилиб чиқаётган энг олий тилагимни билдиргим келди: болалар қалбида эзгулик уруғини ундираётган тарбиячилар, омон бўлишсин.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

Суратларни Р. АЛЬБЕКОВ олган.

Оила даврасида

ВАТАНПАРВАРЛИК ЗАМИНИ

Ёшларни ҳар томонлама баркамол тарбиялашда оила зиммасига ҳам мураккаб ва масъулиятли вазифалар юкланади.

Ҳар бир шахснинг Ватан олдидаги муқаддас бурчи — ўз Ватанини кўз қорачиғидек сақлаш, унинг бойлигини ҳимоя қилиш, Ватаннинг мудофааси учун тайёр бўлиш ва ҳоказолардан иборат.

Ҳарбий-ватанпарв а р л и к тарбияси Ватанни ҳимоя қилишга, ғоявий-психологик, жисмоний бақувват ва техникавий тайёргарликни тарбиялашга қаратилган жараёндир. Бу муаммони ҳал этиш муайян фазилатларни шакллантиришни талаб этади.

Ҳарбий-ватанпар в а р л и к тарбияси босқичма-босқич: оилада, мактабда, олий ҳамда махсус ўқув юртларида, шу билан бирга армия сафида ва ишлаб чиқаришда амалга оширилади.

Оилада ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун кенг имкониятлар бор. Ёшларнинг ғоявий-маънавий жиҳатдан шаклланишида, уларда юксак фуқаролик, ҳарбий-ватанпарварлик хислатларини камол топтиришда ойнаи жаҳон ва матбуот ҳам катта ёрдам бермоқда.

Ҳозирги ёшларнинг оиласида ота-боболари Улуғ Ватан урушида немис-фашист босқинчилари билан бўлган ҳаёт-мамот жангларида қатнашган ветеранлар бор. Шунингдек, болаларнинг ота ва акалари армия сафларида хизмат вазифасини ўтаб қайтишган.

18 йиллик педагоглик тажрибамдан шу нарса маълумки, болалар ёшлик чоғлариданоқ ҳарбий ишга қизиқадилар. Улар ўз ўйинларида ҳарбий машқларини акс эттиради, аскарлардек кийиниш, сафда туриш, сафда қўшиқ айтиб юриш, саф тортиб саломлашиш кабиларни жуда-жуда севишади, улғайиб аскар бўлишни ҳавас қилишади.

Оилада шундай қизиқишни кўрган ҳар бир ота-она болалардаги қизиқиш ва ҳаваслариинг ривожланиши учун имкони борича ёрдам беришлари, уларнинг бу йўлдаги ҳар бир ҳаракатини қўллаб-қувватлашлари, улардаги ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини ўстиришга кўмаклашишлари мақсадга мувофиқдир.

Шуни унутмаслик керакки, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ўқитувчиларнинг вазифаси бўлибгина қолмай, балки ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. Зотан, эл бошига иш тушса, этик билан сув кечар, деган нақл бор халқимизда. Ота-оналар кўпроқ эътибор берса, ёшлар ақлли, эътиборли, инсонпарвар, ватанпарвар бўлиб етишишса, юртимиз тинч-омонлигини таъминлаган бўламиз.

Ҳ. ЭРГАШЕВ.
Самарқанд вилояти.

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

КОНЦЕПЦИЯ МУКАММАЛ БЎЛСИН

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасида Ўзбекистон мактабгача тарбия концепцияси лойиҳаси муҳокама этилди. Фарғоналик маорифчилар концепция лойиҳасига қўшимча таклифлар киритишни лозим топдилар.

Концепция лойиҳасининг кириш қисмида таълим-тарбияни юқори босқичга чиқаришда эстетик, мусиқийбадиий, жисмоний тарбия биринчи ўринга чиқарилган, бу вазифаларни бажариш учун, энг аввало мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техникавий шароитларини яхшилаш ҳамда мустаҳкамлаш, қишлоқ боғчалари ҳамда шаҳар боғчаларини ўртасидаги тафовутларни йўқотиш.

Ўзбекистон мактабгача тарбия концепциясининг асосий талаблари пунктига:

— болаларнинг 3 ёшдан бошлаб боғчада тарбиялашини ҳисобга олиб, мактабгача тарбия муассасаларида консультатив пунктлар ота-оналар учун ташкил этилиши кўзда тутилсин.

Боланинг психик ривожланиши бўлими:

— мактабгача тарбия муассасаларининг штатларига «жисмоний тарбия» инструктори лавозимини киритиш.

Педагогик кадрларни тайёрлаш пунктига:

— педагогик билим юртларида ҳамда олий ўқув юртларида фан тарбиячилари (тасвирий фаолият, жисмоний тарбия, меҳнат тарбиячилари) тайёрлашга эътиборни қаратиш.

Психологик хизмат бўлимига:

— мактабгача тарбия муассасаларида «психолог» вазифасини қонун йўли билан тасдиқлатиш.

Мактабгача тарбия амалиётини такомиллаштиришни илмий асосда тузиш бўлими:

— турли хил типдаги программалар чиқиши билан бир қаторда бу программалар учун методик қўлланмалар ҳам бир вақтнинг ўзида чиқишини ташкил этишга эришиш лозим.

Т. ҚУРБОНОВ,
Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Марксизмнинг ҳозирги дунёдаги аҳамияти ҳақида бўлган мунозарада бир фикрни айтиб ўтмоқчимиз. «Ҳар қандай тоифадаги мутафаккир бир ўзи ҳам олим, ҳам мафкурачи вазифасини айни бир вақтда бажара олмаслигига» Маркс турмуши мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, илмий таҳлил талаблари: объективлик, холислик билан рўй бераётган воқеаларга синфий-партиявий нуқтаи назардан қараб, ҳодисани муайян синф позициясида туриб кўриб чиқиш ўртасида катта зиддият мавжуд. Модомики, Маркс пролетариат манфаатларининг жўшқин ҳимоячиси бўлиб майдонга чиққан экан, унинг таълимоти барча қисмларида «Олим Маркс билан мафкурачи Маркс ўртасидаги курашни ва кўпинча олим Маркс мафкурачи Марксга ён берганини кўра оламиз».

Марксизм — назария ва мафкура. Марксизм синфий тусда бўлиб, ишчилар синфининг мафкураси тарзида намоён бўлганини инкор этиш беҳуда. Бу нарса марксизмнинг илмий жиҳатига зиён етказдими? Аввало, икки ҳолатни эътиборга олайлик: биринчиси — жамиятни синфларга бўлиш — марксизм ўйлаб чиқарган нарса эмас. Бу — шу кунгача ҳам сақланиб келган воқеликдир. Иккинчиси: бу далилни жамиятшунослик инкор этиши амри маҳол, бинобарин ҳали синфий муносабатлар барҳам топмаган экан, у ёки бу ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига алоқаси бўлмаган «соф» ижтимоий назария мавжуд бўлиши мумкинлигини тахмин қилиш қийин. Масала бошқа ёқда: ўзининг ижтимоий ва сиёсий майлларини англаган олим илмий ҳақиқатни излаш жараёнида шу майллар йўлига тўсиқ қўйиши керакми ёки аксинча, шу майлларга амал қилиш керакми? Ўтмиш йилларидаги адабиётимизда масала жўнгина ҳал қилинар эди. Илмийлик билан партиявийлик ўртасида (ишчилар синфи ва коммунистик партиялар нуқтаи назаридан) зиддиятлар йўқ. Ишчилар синфи борлиқ дунёни холисона ўрганишда бошқа ҳамма синфлардан кўпроқ манфаатдордир, деб даъво қилинар эди. Шу билан бирга пролетар партиявийлиги буржуа партиявийлигига қарама-қарши қўйилар, «таърифга кўра», буржуа партиявийлиги холисона ҳақиқатга эришиш имкониятини истисно қилар эди. Ҳозир бу ёндашувга қўшилиш қийин. Жамиятнинг турли манфаатларини кўзловчи синфларга бўлинганлиги — зиддиятнинг фақат бир жиҳати эканлиги, иккинчи жиҳати эса бир яхлит ва ўзаро боғлиқ дунёда яшаб турганлигимиз далилини акс эттириши энди равшан. Умумбашарий манфаатларнинг аҳамияти, бу манфаатларнинг бошқа ҳамма манфаатлардан устиворлиги мана шундан келиб чиқади.

Илмий башоратни ёки ижтимоий ҳаёлотни. Маркс билан Энгельс ижтимоий тараққиётнинг асосий босқичларини ўрганиб, капитализмнинг ўрнини янги ижтимоий-тарихий формация — коммунизм олиши керак, деган хулосага келдилар. Унинг ўтмиш формациялардан энг муҳим фарқини марксизм асосчилари «Коммунистик партия манифести»даёқ кўрсатиб берган эдилар. Бу ғоялар К. Маркснинг «Гота дастурини танқид» асарида янада ривожлантирилди. Ундан баъзи мисоллар келтирамиз: «Капиталистик жамият билан коммунистик жамият оралиғида биринчисининг иккинчисига инқилобий тарзда айланиш даври бор. Сиёсий ўтиш даври ҳам шу даврга мос келади, бу даврнинг давлати эса пролетариатнинг инқилобий диктатурасидан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас» (Асарлар, 19-том, 27-бет). Маркс коммунистик формациянинг биринчи фазаси — социализмни таърифлаб бундай ёзади: «Бу ўринда биз ўз асосида ривожланган коммунистик жамиятни эмас, балки, аксинча, эндигина капиталистик жамиятдан чиқадиган ва шу сабабли ҳамма жиҳатларни, иқтисодий, маънавий ва ақлий жиҳатлардан ўзи етишиб чиққан эски жамиятга хос иллатларни ҳали сақлаб қоладиган жамиятни назарда тутаяпмиз» (Асарлар, 19-том, 18-бет). Энди ишлаб чиқариш воситалари айрим шахсларнинг хусусий мулкчилигидан чиққан бўлади, ижтимоий жамғармага ўтказиладиган меҳнат миқдори чегириб ташланганидан кейин ҳар киши жамиятдан ўз улушига яраша оладиган бўлади. Бундай одамларнинг меҳнатга бўлган турлича имкониятларини ҳисобга олганда, бу босқичда тенгсизлик сақланиб қолади. Бироқ энди инсон инсонга зулм қилмайди. Коммунистик жамиятнинг олий фазасида, инсонни меҳнат тақсимотига бўйсундирадиган асорат тугагач, шу билан бирга ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатнинг зиддияти йўқ бўлиб кетгач, меҳнат фақат тирикчилик воситасигина бўлмай, балки ўзи турмушнинг биринчи эҳтиёжи бўлиб қолгач, шахслар ҳар томонлама камол топиши билан бирга ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам, ижтимоий бойликнинг барча манбалари азим дарё бўлиб оқа бошлагач, — фақат шундагина буржуа ҳуқуқининг тор уфқини мутлақо бартараф этиш мумкин бўлади ва жамият ўз байроғига «ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган сўзларни ёзиб қўя олади (Асарлар, 19-том, 20-бет).

Маркс билан Энгельснинг социализм ва коммунизм ҳақидаги тасаввурлари ҳозир ўткир мунозара мавзуи бўлиб қолди. Масалан, бу тасаввурлар ўз асоси жиҳатидан ҳаёлиёт эмасми? Аввалдан белгилаб қўйилган режага қараб ижтимоий муносабатларни принцип жиҳатдан яратиб бўладими, бу нарса инсонга тараққиётнинг табиий жараёнига зид эмасми, деган саволлар хусусида баҳс юритилмоқда.

Ҳозир коммунизмнинг олий мақсадларини рўёбга чиқариш мумкинлигига шубҳа билан қараётган умидсизлар оз эмас. Марксизмнинг ижтимоий мулкчиликни қарор топтириш, социализмга ўтилгач, товар-пул муносабатларини барҳам топтириш зарур, деган қоидаларига танқидий назар билан қаралмоқда.

Иқтисодий муаммоларга келганда, уларни кейинчалик кўриб чиқиш учун қолдирамиз. Инсониятнинг коммунистик истиқболи ғоясига тўхталамиз. Юқорида тилга олинган «Марксизм ҳалок бўлдими» мавзуидаги мунозарада қатнашган таниқли совет файласуфлари, иқтисодчилари, тарихчилари, сиёсатшуносларига сўз берамиз. Айтилган нуқтаи назарларга ўз муносабатингизни белгилаб олинг.

— Коммунистик ғоя Марксдан анча аввал пайдо бўлган ва бошқа одамларга тегишли эди, унинг танқидчилари ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг бутун бир анъанаси билан «жанг» қилишларига тўғри келади. Бу ғоя бир неча даврларнинг ижтимоий онгида акс садо бўлиб келган, ҳамиша ўзининг жозиба кучини тасдиқлаб турган.

— Коммунистик ғоя ўта олис кароматга мансуб бўлиб ҳар қандай мана шундай каромат, уни ишлаб чиқиш чоғида нақадар илмий усуллар қўлланилмасин, баъзи бир ҳаёлий унсурларни доимо ўз ичига олган бўлади. Бироқ мана шундай кароматга яқин келажакнинг аниқ лойиҳаси деб ёндаша бошласалар, мана шунда кулфат бошланади.

— Маркснинг коммунизм ҳақидаги тасаввури — илмий -техникавий каромат эмас. Балки ижтимоий башоратдир. Коммунизм — дастурий йўл эмас, балки олий мақсадни кўзловчи шундай бир мезондирки, тарихнинг ўз оқими бу мақсадга эришишга кафолат бермайди. Шу сабабли у ўз ичига амалга оширилишига ақл ҳам деярли бовар қилмайдиган мақсадларни ҳам олиши мумкин, бироқ жамиятимизнинг маънавий тузилишига кўра биз бундай мақсадлардан барибир воз кеча олмаймиз.

(Давоми бор).

Исломжон ТУРСУНОВ, Ҳайдарали УЗОҚОВ

ЗУЛМАТДА ҚОЛГАН ЗИЁ

1930 йилда Давлат сиёсий бошқармаси бўлими коллегияси томонидан қамоққа олинган ва отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 10 йил қамоқ жазосига алмаштирилган. Муддатни олдин ўтаб Тошкентга келган Рамзи ўзининг аксилинқилобчи дўстлари билан алоқани тиклаб, советларга қарши кураш олиб борган... Шунга кўра, у Ўзбекистон жиноят кодексининг 60 ва 67-моддаларига мос тушиб жиноят содир этган», деб талқин этилган эди. Ана шу қарорга кўра, кейинчалик туғилиб ўсган ерини террорчи ва миллатчиларга ташлаб, тинчроқ яшаш орзусида Ростов-Донга кўчиб кетган Рамзи кетидан «исковичлар юборилади.

Ростов-Донда у «Россельмаш» заводида кадрлар бўлимини бошқарар эди (П 23152-иш, 1-том, 1-бет). Рамзини Ростов-Дондан олиб келиш учун Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари, Давлат Ҳавфсизлиги майори Леоновнинг 1937 йил 15 октябрдаги махсус қарори билан у ерга уч кишидан иборат гуруҳ юборилади.

(Шу ўринда Загвоздин ва Леонов ҳақида маълумот: Загвоздин Николай Андреевич, 1898 йилда Омскда туғилган, миллати рус, қамоққа олингунча Тожикистон ССР Ички ишлар халқ комиссари эди. Бу миллатчи ва қотил 1937—1939 йилларда сон-саноқсиз бегуноҳларни қамаган, отилишларида шахсан раҳбарлик қилган. Бу қотилликлари учун, қонунни буйруқ билан ўзгартириб қонҳўрлик қилгани учун Загвоздин 1940 йилнинг 19 январида СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг ҳукми билан отиб ташланган, 42 ёшида жувонмарг бўлган. Леонов ҳам чекистлик фаолияти давомида мингдан ортиқ бегуноҳни ер тишлатган—отилиб кетишига «моҳирлик» билан раҳбарлик қилган. Усмон Юсуповдек раҳбарга санкция бериб, қамаш олдидан ўзи тузоққа илинган ва пешонасидан отилган).

Леонов қарорида «Маннон Рамзи Ўзбекистондан қочиб яшириниб юрган. У ўнг троцкийчи аксилинқилобий миллатчилик яширин ташкилотининг аъзоси. Унинг мақсади — совет давлатига душманлик. Янги маълумотларга кўра, унинг фаолияти троцкийчи-зиновьевчи шпионлик-аксилинқилобчилик билан боғланган. У ўнг троцкийчи зараркунанда ташкилотнинг аъзоси сифатида 1935 йилдан Ростов-Донда фаолият кўрсатяпти», дейилган эди (Ўша иш, 1-том, 7-бет).

Хуллас, Рамзи Тошкентга келтирилиб, НКВДнинг ички турмасига қамалади.

Шундай қилиб тергов ҳам бошланди. Тергов ишида теша тегмаган усуллардан фойдаланишда ном чиқарганлардан бири — кичик лейтенант Фурмановга Рамзини тергов қилиш топширилди.

1937 йилнинг 10 октябри. Кундуз соат 15. Сўроқ хонасига Рамзини келтиришди. Ҳатто кишанланган қўллар бўшатилмади.

Мана, шу кун ўтказилган сўроқ жараёнидан бир манзара:

— Сўроқда сиз 1930—1931 йилларда терговда Акмал Икромов ҳақида берган кўргазмамдан ташқарисини тан олмадим; давлат сиёсий бошқармаси бўлими (ОГПУ)нинг ходимлари тазйиқ ўтказди, дедингиз. У қандай бўлган эди?

Рамзи узоқ ўйланди, ўтмишни кўз олдига келтирди. Хато жавоб бермаслик керак. Акс ҳолда калтак ейиш турган гап. Ахир орадан етти йил муддат ўтиб кетган...

У ўзини бироз қўлга олгач, дадил жавоб қила бошлади:

— Ҳа, ўз кўрсатмамдан қайтишимдаги руҳий ҳолатим 1930—1931 йилларда тергов материаллари, шунингдек А. Икромовдан олган кўргазмаларим ҳақида НКВДнинг Давлат сиёсий бошқармаси бўлими ходимлари Али ва Салимовларнинг тазйиқи таъсири бўлган.

Тошкентда мени қамашгандан то Москвага жўнатишгунча менинг ишим бўйича терговни Давлат сиёсий бошқармаси Ўрта Осиё бўлими бошлиғининг ўринбосари Э. А. Али олиб борган.

Мен уни терговгача ҳам яхши билардим: у миллатчи эди, миллатчилар — Саидали Хўжаев, Маҳмуд Нуриддинов ва бошқалар билан яқин боғланган киши эди.

Мен билган вақтимда Али ҳали студент эди; унинг ота-онаси ва акаси подшо ҳукумати даврида бой-чиновник Асфандиёровлар зотидан эканлиги аниқ эди. Алининг акаси Санжар Асфандиёров таниқли миллатчи. Асфандиёров фамилиясининг Алига айланиб қолганлигини мен унинг ўзидан эшитганман...

Суҳбатлардан бирида Али «Алаш орденчи» гуруҳининг собиқ аъзосиман, деб мақтанган эди. (Бу гуруҳ советларга қарши ғаламислик жангариларидан эди. Али эса 30-йиллар охирида терговни оёқ-ости қилганлиги учун жавобгарликка тортилган). Ҳозир эса шундай одамга сиёсий иш олиб боришни ишониб топшириб қўйишибди.

Менинг устимдан тергов олиб борганда Али ўзининг маълум манфаатига кўра берган саволлардан сўнг, «бу иш ётқизилади ёки прокуратурага берилади», деди. Аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбари А. Икромов ҳақида бир сўроқда у айтдики, «А. Икромовни биргина ўзбеклар эмас, ҳатто бошқа миллатлар — туркманлар, қирғизлар, татарлар ҳам севишади...

Дарҳақиқат, Али терговчилар орасида энг «устаси фаранг» тусланувчилардан бири эди, У А. Икромов мавқеини бироз «кўтариш» билан Рамзидан янги маълумотлар олиш ниятида эди. Буни тўғри идрок этган Рамзи эътиборсизлик билан яна жавобида давом этди:

— Шу пайтда Али мени сўроққа чақириб, мендан ҳеч нарса сўрамасдан туриб, олдида турган қандайдир манбалардан фойдаланиб, протокол туза бошлади. Сўнгра Али менга ушбу протоколга имзо чекишимни талаб қилди. Мен унинг бу талабини рад этдим. Ана шу сабабларга кўра менда Алига нисбатан ҳурмат йўқолган...».

Москвада Давлат сиёсий бошқармаси бўлимида менинг ишимни Журавлев тергов қилди. Сўроқ пайтида гоҳида Журавлев билан биргаликда КГБ катта ходими Салимов ҳам қатнашарди. У асли жиззахлик ўзбек эди.

1932 йилнинг охирида Салимов мени Бутирка турмасидаги тергов хонасига чақиртирди. Бутирка турмасида сақланаётган мен ёзган кўрсатма ва ёзишмаларни кўрсатиб, «бундан буён сизнинг ишингизни мен олиб бораман, Журавлев отпускада», деди.

Суҳбат даврида унга айтдимки, мен бу ишдан норозиман, «иш»имни тезроқ тугаллашни орқага суришяпти. У менинг «ишим»ни яқин кунларда ОГПУ махсус бўлими кўради, улар бу ҳақда изоҳ беради, деди... Салимов билан бўлган суҳбатдан сўнг бир ярим ой мобайнида бир йўла икки марта Марказий Комитетга ариза билан мурожаат қилдимки, буларда терговчи берган олдинги кўрсатмаларимни тан олмаганим баён этилган эди... (Ўша иш, 1-том, 10—12-бетлар).

Гапнинг лўндаси, ўзбек халқининг истиқлол учун курашган етук фарзандлари А. Икромов, М. Миршароповлар билан яқин дўст бўлган Маннон Рамзи антипартиявий унсур, партиянинг бош йўлига қарши чиққан хавфли киши сифатида қораланди; антисовет ишларни давом эттираётган троцкийчи-зиновьевчи унсур, ашаддий оппозиционер сифатида гавдаланди.

Айниқса, ўша 1937 йилнинг 14—16 октябрларида Рамзи устида олиб борилган тинка қуритадиган, таранг асабларни узиб ташлаган бешафқат сўроқ жараёни ниҳоятда оғир кўчди: ҳам жисмонан, ҳам руҳий, ҳам иқтисодий тазйиқ, ҳам қадриятларни оёқ ости қилиш билан тўлиб-тошган эди. У «Маориф ва ўқитғувчи» журналига муҳаррирлик қилган чоғида Троцкий ва Бухариннинг бир неча мақолаларини журнал саҳифаларида эълон қилганлиги учун бир сутка кўнгил айнар даражада сўроққа тутилган эди. Шунга кўра, 1930—1931 йилларда ўзининг троцкийчи-зиновьевчилик ва айниқса «шпионлик» фаолиятини яширганликда айбланади. 1933—1934 йилларда «Миллий истиқлол» аксилинқилобий марказининг иғвогарлиги мақсадида олдинги берган кўрсатмаларидан тонганликда қораланади.

Инсоний меҳр-оқибат, шафқат деган тушунчалар кўчасидан юрмаган бемеҳр терговчи ҳаддидан ошди. Маҳбусни олдинги берган ҳаққонй ва тўғри кўрсатмалари, айниқса, Али ва Салимов ҳақидаги адолатли таърифларидан тонишга мажбур қилишлар устун чиқди. Қайта «ишлов»дан эсон-омон чиққан Рамзи терговчининг «троцкийчи-зиновьевчи блок аъзоси, советларга қарши аксилинқилобий унсур эканлигингиз, давлат сиёсий бошқармаси ходимлари устидан нотўғри кўрсатмалар берганлигингизни тан оласизми?», деб берган саволига, энди ҳеч иккиланмай: «Тўғри, деб жавоб беришга рози эди, «қайта ишловдан» чиққан Рамзи терговга қўйидаги маълумотларни бера бошлади:

— Мен Совет ҳукумати олдидаги жиноятларимни шундай тан оламанки, мен ҳақиқатдан ҳам НКВД ходимлари устидан, совет раҳбарлари устидан нотўғри кўрсатмалар бердим...

Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, катта нуфузга эга бўлган И. А. Зелинский А. Икромовнинг маслакдоши эди. Зелинский эса партиянинг бош йўли, айниқса, унинг иқтисодий сиёсатига қарши, демократия тарафдорлигини байроқ қилиб кўтариб чиққан блокнинг лидерларидан Каменев билан Зиновьевнинг шахсий дўсти эди. 20-йилларда Зелинский бу дўстлари билан ёзишмалар қилиб турарди.

Масаланинг ана шу нозик сири — Зелинский-Каменев-Зиновьев дўстлиги А. Икромов—М. Рамзий «қоралови»ни мустаҳкамлаш учун терговга қўл келган эди. Ана шу мураккаб «сир»ни ойдинлаштириш учун терговчи бор маҳоратини ишга солиб, Рамзини «тўғри» жавоб беришга мажбур қилди. Маҳбус ўз жавобини давом эттирди:

— Бу даврда троцкийчи-зиновьевчиларнинг А. Икромов, А. Тожиев, Цехера, Ройнбольд ва Зелинскийдан ташқари қуйидаги аъзолари маълум эди: Зелькина. У 1923 йилда Москвада А. Икромов билан троцкийчи ўнглар гуруҳига аъзо бўлиб кирган. Бу пайтда у ўқишни битириб Ўзбекистонга қайтган эди...

1928 йил апрелининг ярми, кеч эди; Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро йиғилиши тамом бўлгач, тарқалиш олдидан мени — Рамзини Х. Бурнашев, А. Тожиев, Н. Қодиров, А. Каримовни тўплаб уйига боришимизни айтди. А. Икромовнинг уйига борганимизда, у ерда Боту ва унинг хотини Дементьева (А. Икромовнинг ёрдамчиси) бор эди.

Дементьева кетди. Сўнгра А. Икромов ҳаммамизни бошқа хонага таклиф этди ва шундай деди: «Бизда бир кичкина иш бор. Бу иш Афғонистон билан боғланадиган дўстлик алоқаларига доир иш. Амонуллахонга хат юбориш керак. Буни хонга етказадиган одам керак. У орқали Кобулда Англия элчиси тавсия этган вазифаларни кўриб чиқишимиз, бу билан биз Англия билан алоқаларимизни боғлашимиз керак», деди (ўша иш, 29—30-бетлар)...

Рамзининг бу жавобидан бироз қаноат ҳосил қилган Фурманов янада синчковлик билан муғомбирона савол ташлади:

— Рамзи, айтингчи, аксилинқилобий ташкилотнинг ҳужжатасрови (архив) борми, у қаерга жойлашган?

Рамзи бу сўроқнинг моҳиятига тўла тушуниб етгач, қатъий жавоб қилди:

— Архивнинг бор ёки йўқлиги менга номаълум! Менга тарихий аҳамиятга эга бир ҳужжат маълум, холос. Бу ҳужжат қуйидаги талқиндан иборат: 1927 йилда мен Ўзбекистон Халқ маорифи комиссарлигида ишлаганимда Ўзбекистон давлат нашриёти директори Назаров айтган эди: «Интебоҳ даври» китоби нашрга келди. Китобнинг муаллифи Лазиз Азиззода эди. Китобда аксилинқилобий фаолият — Туркистондаги пантуркистик ташкилот фаолияти очиқ ёритилган. Бунда «Миллий иттиҳод»нинг ўзигина эмас, балки «Иттиҳоди тараққий» фаолияти ҳам тўла ёритилган... (ўша иш, 33-бет).

1979 йилда бўлиб ўтган бир суҳбатимизда устоз Азиззоданинг мазкур «Иттиҳоди тараққий» («Тараққиёт иттифоқи») китоби хусусида гап бўлиб, устоз ўз китобларининг ўша давр учун халқ ўртасида манифестлик ролини бажарганлигини айтган эдилар. Минг афсуски, ушбу китобга Фитрат, Мунавварқори, Салимхон Тиллахоновлар тақриз беришганларига қарамай, уни чоп этишдан тўхтатишди...

Китобда М. Рамзининг ижтимоий муҳит, педагогик қарашлари, мустақиллик ва иттифоқлик ташкилотларининг дастурий йўллари, мақсад ва вазифалари ҳам баён этилган эди. Китобда 1925 йилгача «Миллий иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» ташкилотлари аъзолари иштирокчилари ва уларнинг ишлари ҳақида ихчам ва лўнда маълумотлар берилган эди. Айниқса, китобда Рамзи, Носир Саидий, Мунавварқори кабиларнинг маориф соҳасидаги миллий қарашлари ҳақида ҳам муҳим фикрлар баён этилган эди. Муаллифнинг бундай хавфли муаммоларни баён этган китоби унга қатағонларни «ҳадя» этганлиги энди сир эмас.

(Давоми бор).

(Бошы ўтган сонларда).

• Акс-садо •

«ҲАЁТИМ—КУРАШ ФАЛСАФАСИ»

14 НОЯБРЬ 1991 ЙИЛ

Мазкур очерк юзасидан ижодий жамоамизга жуда кўп хатлар келди. Қуйида ўша мактубларда изҳор этилган айрим фикрларни сиз муштарийлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл ноҳиясидаги Собир Раҳимов номли ўрта мактаб ўқитувчилари номидан рус тили муаллими **Азимбой Рамонов:**

— Инсон ҳаёт йўлининг нақадар мураккаблигига, айниқса, ростгўй, ҳалол кишилар учун ҳамма замонларда ҳам мураккаб ва қийин эканлигини жасоратли олим, миллий ғурури баланд бўлган зиёли Маҳмуджон Нурматов ҳақида ёзилганини ўқиб, яна бир иқрор бўлдим. Биз ўқитувчилар олимлар ҳаётидаги муносабатларнинг ва турмуш тарзининг нақадар кескинлигидан ҳайратландик, ёқа ушладик. Негаки, кўролмаслик, маънавий қашшоқлик туфайли миллий ғурурларга душманлик либоси кийдирилиб, халқимизнинг юзлаб фарзандлари йўқ қилинган ўша қаро кунларни эслаймиз.

Мавлон Мамадаминов, Самарқанд вилояти Ургут ноҳиясидаги 84-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси:

— Ашур Али Аҳмад ўғлининг «Ҳаётим — кураш фалсафаси» сарлавҳали очерки менга жуда манзур бўлди. Унда М. Нурматовнинг илмий-педагогик фаолиятига оид кўплаб қизиқарли воқеалар тасвирланган. Маҳмуджон домланинг илмда принципиаллиги, энг муҳими, ўз эътиқодидан қайтмаслиги, «ўжар» хислати менда у кишига нисбатан янада ҳурмат ҳиссини уйғотди.

Мунаввар Ширинбоева, Ашурали Зоҳирий номли Қўқон педагогика билим юрти кутубхоначиси:

— Очерк қаҳрамони ўта билимдон, одил, фан фидойиси эканлигига тан бердим. Рўзномада ана шундай мақолаларни ўқигим келади...

Абдурауф Бобожонов, Самарқанд шаҳридаги «Сўғдиёна» ногиронлар футбол командасининг аъзоси:

— Ботиний жиҳатдан ҳунук, зоҳирий жиҳатдан ғўзал бўлсанг-у, қўлдаги шамширинг билан ўз маданиятингни поймол этсанг, бундан ортиқ жазо бўлмаса керак. Зеро, юлдузлар анжуманидан баҳра олмоқ-чун тафаккур кенглигида сузиб, ўз қалбингни мусаффо булоқдан сув ичиб, маърифат сари етаклаб боришни истаган ҳар бир инсон учун кони фойда.

Дарҳақиқат, эстетик олим Маҳмуджон Нурматов тўғрисидаги ҳаётий воқеалар, унинг маънавиятимизни англашдаги изланишлари журналист томонидан яхши ёритилган экан, демак, бу савоб ишдир.

И. Эргашев, фалсафа фанлари номзоди:

— «Ҳаётим — кураш фалсафаси»ни ўқиб, муаллиф ҳам, рўзнома ҳам хайрли иш қилган, деган фикрга келдим. Мақола муаллифи фан, илм йўли энг мураккаб йўл эканлигини, фақат ўз касбининг ҳақиқий фидойисигина ўз мақсадига эриша олиши мумкин эканлигини ёшларимизга уқтиради. Ўйлайманки, ёшларимиз уни ўқиб сабоқ оладилар.

Мақолани ёзиш, уни чоп этишдан кўзланган мақсад ҳам ёшларимизга маънавий таъсир кўрсатишдир, айни вақтда турғунлик даврининг кирдикорларини фош этишдир.

Улуғбек Абдуваҳоб ўғли, Тошкент давлат дорилфунуни филология куллиёти 4-курс талабалари номидан:

— Биз дорилфунун талабалари устозимиз Маҳмуджон Нурматов ҳақида бошқа олимлардан ҳам кўп яхши фикрларни эшитганмиз. Серқирра истеъдод соҳиби, ҳақиқий билимдон олим, сермаҳсул ижодкор домламиз ҳаётининг анчагина қисмини ноҳақликларга, адолатсизликларга, илми маҳдудликка қарши курашларга сарфлаган. Бу нарса биз каби шогирдларни, айниқса, нафосат шайдоларини бир жиҳатдан фахрлантиради. Олимларимиз орасида у кишидай ҳалолу пок, ғайратли ва шижоатли курашчилар борлигидан қувонамиз. Иккинчи томондан, бақувват илмий асарлар яратаётган юксак истеъдод соҳибларини эзгу ишларидан чалғитиб, уларнинг қимматли вақтларини ўғирлаган ғаразгўй кимсалар қилмишларидан озор чекамиз.

Н. Мўминова, Қашқадарё вилояти Бешкент шаҳри:

— «Маърифат»да бирор бир жиддий мақола чиқгудай бўлса, рўзноманинг ўша сони ўқитувчилар орасида қўлмақўл бўлиб кетади. «Ҳаётим — кураш фалсафаси» очеркини ҳаяжон билан ўқидик.

Одамлар орасида, олимлар орасида қадимий қадриятлар йўқ бўлиб кетмоқда. Очерк муаллифи эса олим М. Нурматовнинг илмда поклик, халқпарварлик, ҳақиқатпарварлик хислатларини характерли эпизодларда кўрсата олган.

Шунингдек, Самарқанд вилоятидан қўшработлик ўқитувчи Р. Олқорова, Оқдарё ноҳиясидан Л. Мамарахимова, Қашқадарёнинг Китоб ноҳиясидан Г. Тошпўлатова, Қарши ноҳиясидан Ш. Тоғаева сингари муштарийлар ҳам мазкур мақолага ўз муносабатларини билдиришган.

ХОТИРА

ЭНГ ТИНИҚ ТАСАВВУР БИЛАН

Катта умид билан йўлга чиққан карвоннинг кўзланган манзилига етиб олиши нақадар қувончли. Афсуски, баъзида бунинг акси ҳам бўлади. Инсон умрини ҳам худди манзилга йўл олган карвонга қиёслаш мумкин. Айниқса, ҳаётда ҳали ҳеч нарсани кўриб улгурмаган ёш қалбнинг шаҳид бўлиши ҳар қандай инсонни дóвдиратиб қўяди. Ўйлайсан, ачинасан, изтироб чекиб одамларга термуласан, улар эса ерга боқишади, гапиришга ҳам сўз ожиз, тиллар лол қолгандай бу пайтда...

Назира Ҳамроқулова Ҳамза ноҳиясидаги 225-мактабда физика муаллимаси сифатида иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаганди. Бироқ ўтган қисқа фурсатда ўзининг изланувчанлиги, жамоа ва ўқувчилар билан тезда тил топа оладиган хислатлари туфайли ҳурмат қозонганди. Ҳамма уни эъзозлар, жамоанинг жонкуяр муаллимларидан бири сифатида эътиборда эди.

— Назирани шогирд сифатида қаттиқ ҳурмат қилардим, — дейди 226-мактабнинг физика ўқитувчиси Абдусалим ака. — Чунки у ёш бўлса-да, ўзининг ташаббускорлиги, ишчанлиги билан ноҳия педагоглари ўртасида танилганди. Ўқиб-ўрганишдан эринмасди, керакли пайтда бошқаларга ўргатарди ҳам.

Ҳа, Назира мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ физика фанига ихлос қўйди. Кейинчалик эса Тошкент давлат дорилфунуни физика куллиётига ўқишга кириб, бир пайтнинг ўзида Меконд заводида ишлади. Қисқа бўлсада, умрини, ҳаётини меҳнатда тоблаганди. Лекин қисматнинг аламли ўйинлари олдида инсон зоти бардош беролмай ожиз қолар экан. У ҳаёт бўлганида ҳозир ўзининг ўттиз учинчи ёшини қаршилаган бўларди.

Кўпинча инсон кексайганда ўтган умри давомида қилган ишларидан ўз-ўзига ҳисоб беради. Гарчи Назира бунга улгуролмаган бўлсада, унинг ҳамкасблари, устоз ва шогирдлари у қилган ишлар ҳақида тўлқинланиб гапиришади. Энг тиниқ, энг ёрқин фикрлар билдиришади.

— Ҳамкасбим илғор педагог сифатида кўп ишлар қилганди, — дейди Қ. Тулибоев. — Айниқса, мактабда фан кабинетини безашда, ўқувчилар билан мустақил ишлашда унга етадигани йўқ эди. Шу ўринда яна бир нарса ҳақида гапирмоқчи эдим. Назира Ҳамроқулова ноҳиямиз педагогларининг фахри эди. Ўтган йилги Фарғонада бўлган ўқитувчиларнинг XV педагогика ўқишларида ноҳиямиздан қатнашиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритганди.

— Қаҳрамон онаман, — дейди Шарифа опа. — Назира Ҳамроқуловани жуда яхши билардим. Чунки унинг хизматлари туфайли фарзандларимдан бири физика фанига ихлос қўйиб, бир неча бор жумҳурият олимпиадаларида қатнашди, совринли ўринларни қўлга киритди. Эндиликда олий илмгоҳда ҳам яхши баҳоларда ўқияпти. Бунга бевосита мактабда олган сабоқларнинг таъсири бор, деб ўйлайман.

Дарвоқе, ҳақиқий баҳони ҳам кўпчилик қўяди, дейишади. Назира Ҳамроқулова ҳақида яна кўплаб яхши фикрларни билдириш мумкин. Шуни айтиш керакки, у фақат мактабдагина эмас, оилада ҳам меҳрибон опа, фариштали уй бекаси, қўли ширин пазанда эди. Фарзанд тарбиялашда ҳам ундан кўпчилик ўрнак олиб, ҳавас қилишарди. Демакки, унинг шогирдлари, устозлари ва ҳамкасблари бор экан, Назира ҳам ҳамиша улар қалбида яшайверади...

Қ. МУРОДОВ.

Ўқувчида меҳнатга бўлган қўнникмани сингдириб бориш келгусида дангасалик пойига болта уриш билан баробар. Шу мақсадда Пешку ноҳиясидаги ал-Хоразмий номли ўрта мактабнинг меҳнат таълими муаллими Болта Қозоқовнинг амалга ошираётган ишлари талайгина.

Тасвирда: Б. ҚОЗОҚОВ.
Суратчи Н. САИДОВ.

ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

«Санъат ва спорт» Бутуниттифоқ фестивали ёшларнинг чинакам нафосат ва чиниқиш кўрнги сифатида муҳим аҳамият касб этди. Бутуниттифоқ «Артек» оромгоҳида ўтган бу маҳорат имтиҳонига серқуёш жумҳуриятимиз умумтаълим мактабларидан ҳам ўқувчилар вакиллари фаол қатнашдилар.

Фестиваль доирасида уюштирилган халқ чолғу асбоблари ижрочилари танлови ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Андижон вилоятининг Марҳамат ноҳиясидаги 5-мактаб ўқувчиси Қ. Комилов эса бу маҳорат беллашувида юқори кўрсаткични қўлга киритди. Фестивалда таъсис этилган медаль ҳамда фахрий ёрлиққа сазовор бўлган мазкур иқтидорли ўқувчига биринчи ўринни эгаллагани учун қимматбаҳо буюм ҳам берилди.

Совриндор ўқувчи аъзо бўлган «Речной» дружинасида қозоқ, чечен болалари ҳам бор эди. Улар Қора денгиз соҳилларида дам олиб, Севастополь, Ялта шаҳарларини бориб кўрдилар. Бир ойлик кўнгилли сафар чоғида болалар кўплаб дўстлар орттирдилар.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВОҚЕАЛАР ФАКТЛАР ШАРҲЛАР

ИККИНЧИ ДАВРА АРАФАСИДА

● БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Ҳавфсизлик Кенгаши Исроил томонидан босиб олинган ерлардан фаластинликларни мажбурий равишда чиқариб юборилиш ҳатти-ҳаракатларини қоралади. Гап шундаки, бундан бир неча кун муқаддам Тель-Авив Ғазо ҳудудида истиқомат қилаётган 12 нафар фаластинликни террорчилик фаолиятида айблаб, мажбурий равишда четга чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Исроил ҳукумати бошлиғи И. Шамир ҳамда мудофаа вазири М. Аренснинг мазкур қарори хусусида гапирган АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Томас Пикеринг жиноят қилган қишиларни мажбуран чиқариб юбориш керак эмас, балки уларни судлаш керак, жиноятн тасдиқланса, жазолаш лозим, деди.

Шу орада чиқариб юбориш учун мўлжалланган 12 киши судга ўзларининг норозиликлари ҳақида шикоятнома йўлладилар. Уларнинг норозилигини эшитиш жараёни ёпиқ эшиклар ортида ўтказилмоқда. Рейтер агентлигининг хабарига қараганда, у ерда иштирок этиш учун бронта ҳам журналистга рухсат берилмади.

Америка Қўшма Штатлари Исроил ҳамда араб мамлакатлари раҳбарларига Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга бағишланган конференциянинг иккинчи босқичини дарҳол бошлаш лозимлиги тўғрисида мурожаат қилди. Шундан сўнг Оммон, Байрут ҳамда Дамашқдан умидвор хабарлар келди. Фаластинликларни ўз ерларидан чиқариб юборилиши муносабати билан тинчлик конференцияси иккинчи босқичи бошланишини гумон остига қўйган араб мамлакатлари ҳамда Иордания — Фаластин қўшма делегацияси ниҳоят Вашингтонга келиш тўғрисида розилик билдирдилар. Ахборот агентликларининг маълумотларига қараганда, Сурия, Ливан ҳамда Иордания — Фаластин қўшма делегациялари яқин икки кун ичида Америка пойтахтига Араб — Исроил мусоҳабасининг иккинчи босқичида иштирок этиш учун етиб келадилар.

ҚЎШНИНГ ЯХШИ БЎЛСА...

● ШУ ЙИЛНИНГ биринчи ярмида Хитой Компартияси Марказий Комитети Бош котиби Цзян Цзэминь расмий ташриф билан Японияга боради. Тяньаньмэнь фожиасидан кейинги пайтда амалга ошириладиган бу сафар Хитой олий даражадаги раҳбарларининг Японияга қилган биринчи ташрифи бўлади.

Япония ташқи ишлар вазири Ватанабэнинг ХХЖга қилган сафари ва олиб борган музокаралари натижасида юқоридаги аҳдлашувга эришилди. Бош вазир Ли Пэн японнялик олий мартабали меҳмон билан ўтказган учрашувида Япония императори Акихито шаънига мақтовли гаплар гапириб, император ва унинг рафиқасининг обрўси Японияда қанчалик буюк эканлигини биз яхши тушунамиз, деди. Шундан сўнг у император ва унинг рафиқасини Хитойга ташриф билан келиш учун таклиф қилди.

ЭРОН ҚУРОЛЛАНМОҚДА

● АМЕРИКА Қўшма Штатларида чиқадиган «Лос-Анжелес таймс» рўзномаси Эроннинг қурол-яроғлар сотиб олишига тааллуқли мақола босиб чиқарди. Унда айтилишича, Эрон Россия, Шимолий Корея ҳамда Аргентинадан қурол-яроғларнинг катта тоифаларини сотиб олиш учун миллиард-миллиард доллар сарфламоқда. Ҳукумат манбаларига асосланиб, Вашингтондан берган хабарида рўзнома Россия Федерацияси қийин иқтисодий вазиятга тушиб қолганлиги учун қатъий валюта олиш мақсадида ўз қуролларини сотишга мажбур бўлмоқда, деб ёзди. Айтилишича, миллион доллар турадиган Т-72 танклари бор-йўғи 50 минг долларга сотилмоқда. Эрон Россиядан, шунингдек, СУ-24 ҳамда МИГ-29 ҳарбий тайёраларини ҳам харид қилмоқда.

ҲАЁТ ИЗГА ТУШМОҚДА

● МАДАГАСКАРНИНГ сиёсий ҳаётида ўтган йилнинг сўнгги ойлари ғоят ташвишли бўлди. Ўз ҳукуматининг олиб бораётган ҳозирги сиёсатидан норози бўлган фуқаролар узлуксиз равишда иш ташлашни давом эттириб келдилар. Ниҳоят, мамлакат пойтахти Антананаривудан иш ташлашларнинг ҳамда сиёсий мухолифликлар тўхтагалиги ҳақида хабар олинди. Умумий иш ташлашлар бошланган 1991 йилнинг 8 июлидан буён мамлакат биринчи марта енгил нафас олди. Вазирликлар, идоралар, банклар тўлиқ фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, почта маъмурлари ҳам ишга киришиш лозим деган қарорга келдилар.

МУШТАРИЙ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЯНГИ МАКТАБ

Комсомол ноҳиясидаги Чўлқувар посёлкасида қурилиш қиймати 1 миллион 216 минг сўмлик замонавий янги мактаб биноси қад кўтарди. Уни Сирдарё вилояти агросаноат қўмитасига қарашли 46- механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этдилар. Мактаб 422 ўринга мўлжалланган. Унда 11 та фан кабинети, 23 та синф хоналари ва кенг, ёруғ спорт зали, буфет, ошхона мавжуд. Оталиқ ташкилоти «Чўлқувар» бройлер-паррандачилик фабрикаси жамоаси мактабни жиҳозлаш учун моддий томондан ёрдам берди. Шунингдек, ўтган ойда ўқувчиларни бепул овқатлантириш учун 3 минг сўм маблағ ажратди.

А. НОРҚУЛОВ.

ЁШЛИК БАЗМИ

Бухоро шаҳридаги 24-ўрта махсус мактаб-интернатининг томоша залига ўқувчилар, мураббийлар ва барча меҳмонлар аълочи ва жамоатчи ўқувчилар томонидан тайёрланган «Ёшлигим-қуёшлигим» кечасини томоша қилиш учун тўпланишди. Кечада катнашган Бухоро шаҳар ёшлар уюшмаси қўмитасининг вакили ёшлар уюшмасининг янгидан таркиб топганлиги, унинг асосий вазифаси ва мақсади ҳақида муфассал тўхталиб ўтди. Ўқувчи ёшлардан З. Бердиева, Ж. Ҳасанов, И. Мингноров, Э. Норпўлатов, О. Тошева, А. Шукуров, Н. Мирзаева, З. Очилов, Б. Асадова, З. Ражабовлар ёшлар уюшмасининг иш фаолиятини янада такомиллаштириш борасида ўз таклиф-мулоҳазаларини айтишди. Кечанинг завқли, серфайз бўлиши учун дилрабо қўшиқлар ижро этилди. Саҳналаштирилган кичик ҳажмдаги лавҳалар ва ҳажвиялар кеча катнашчилари қалбида катта завқ-шавқ уйғотиб, унутилмас таассурот қолдирди.

А. ҲАЙДАРОВ.

СЕВИМЛИ МАСКАН

Болалар қалбида табиатга нисбатан меҳр уйғотиш барчамизнинг бурчимиз ва вазифамиздир. Марҳамат ноҳиясида 1991-1992 ўқув йили давомида ёш табиатшунослар учун янги уй очилди. Бу даргоҳда гулчилик, паррандачилик, қуёнчилик, лимончилик, қушчилик, балиқчилик каби жами 9 та тўгарак ташкил этилиб, тўгарак раҳбарлари катта ғайрат ва қизиқиш билан иш бошладилар. Айниқса, гулчилик тўгараги раҳбари М. Йўлдошева, паррандачилик тўгараги раҳбари Ж. Қоратоев ҳамда балиқчилик тўгараги раҳбари М. Йўлдошев каби етук педагогик маҳоратга эга бўлган биолог-ўқитувчилар ёш табиатшунослар билан биргаликда қизғин фаолият олиб боришмоқда. Аҳил жамоага ўттиз икки йиллиқ педагогик стажга эга бўлган Шарофиддин Ғаффоров етакчилик қилмоқда. Ишчан директор ёш табиатшунослар жойлашган 12-мактаб биносини сифатли таъмирдан чиқариб, улар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб берганлиги туфайли бу ер болаларнинг энг севимли масканига айланди.

О. САЙФИДДИНОВ,
Андижон вилояти Марҳамат ноҳиясидаги 9-мактаб ўқитувчиси.

АКС САДО

«ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН...» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

Қ. Эрназаров, Тошкент вилояти Бекобод ноҳияси 41-мактаб ўқитувчиси: Мақола муаллифининг фикрига қўшиламан. Ўқитувчиларни тоифага бўлиш ва унга қараб маош тўлаш мукаммал ишлаб чиқилмаган. Масалан, аттестация комиссиясига кўпчилик ўқитувчилар олий маълумотли ва кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлса-да, нишони ва ёрлиғи бўлмагани учун иккинчи тоифага ариза беришга мажбур бўлишди. Энди бир ўйлаб кўринг, меҳнат стажи катта, лекин андишали, жанжалга тоқати йўқ олий маълумотли ўқитувчи иккинчи тоифа олса-ю, баъзи ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар биринчи тоифага мансуб бўлса. Зийрак ўқувчилар қай ўқитувчи қандай тоифа олганлигини яхши билишади. Андишали устоз ўз ўқувчиси олдида маълумоти ва стажи кам бўлган ўқитувчига нисбатан тоифаси пастлигидан виждонан қийналмайдими?

Ёрлиқ ва нишонга келсак, ўқитувчиларнинг кўпчилик қисмида уларнинг биронтаси ҳам йўқ. Шу сабаб ўқувчиларга чуқур билим бериш ўрнига ўзини кўрсатиш, ёрлиқ ва нишон олиш учун ортиқча уриниш авж олмайдими?

М. Убайдуллаева, Тошкент шаҳридаги 114-мактаб директори:

«Аттестация... ҳа, аттестация тўғри бўлдими, аввалгидек стажга қараб пул тўланса, йигирма йил ишлаган одам йиғлаб ўтирибди», дейилибди мақолада. Муаллим фикрига қўшилолмайман. Тўғри, ўқитувчиларимиз ичида 30—40 йил ишлаганлар бор. Лекин уларнинг баъзилари мактабда бирор бир ўзгариш, янгилик қилмасдан, асабини бузмай, жамоат ишларида фаол иштирок этмай, ёдлаб олган эски метод бўйича дарс ўтишади.

Лекин шундай ўқитувчилар борки, ёш бўлишига қарамасдан, мактабнинг ҳар бир ишига қайишади. Мактаб обрўсини юқори кўтариш учун ҳар қандай ишни бажаришдан бош тортмайди.

Агар аттестация тўғри баҳоланса, ҳеч қачон норозиликлар бўлмаслиги керак. Мактабимизда жами 80 нафар ўқитувчи ишлайди. Етти нафари олий, 18 биринчи, 33 нафари эса иккинчи тоифа, 22 ўқитувчи мутахассис унвонига сазовор бўлишди. Ҳеч қандай норозилик бўлмади.

Ж. Имомқулов, Чироқчи ноҳиясидаги 37-мактаб-интернати илмий бўлим мудири:

Мақолани ўқиб ўйланиб қолдим. Ўқитувчиларни тоифага ажратмаслик керак, деган фикрга қаршиман. Бироқ тоифага ажратилгандан кейин ҳам белгиланган пул жуда оз, деган фикрга тўла қўшиламан. Менинг фикрим эса олий тоифали ўқитувчи ставкаси 1500, биринчи тоифали ўқитувчи ставкаси 1300, иккинчи тоифали ўқитувчи ставкаси 1000 сўмдан кам бўлмаслиги керак. Ўқитувчи келажагимиз — ёшларни илм зиёси билан қуроллантириб вояга етказади. Шундай экан, уни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш лозим».

А. Абдусаматов, Шаҳрисабз ноҳиясидаги 30-мактаб ўқитувчиси:

Ҳ. Сайдалиевнинг ўқитувчиларни табақалаштиришдан норози бўлиб ёзган мақоласини ўқиб чиқдим. Баъзи фикрларига қўшилолмайман. Ўқитувчиларни тоифаларга бўлиниши бир-бирини камситишга эмас, балки самарали ишлашга ва таълим-тарбия сифатини оширишга, янги-янги педагогик услубларнинг юзага чиқишига олиб келади. Юқори бўлган ўқитувчи паст табақали ҳамкасбини менсимай камситса, демак у маънавий қашшоқдир. Аксинча, юқори табақали ўқитувчи ўз ҳамкасбига илмий-методик ёрдам йўлини тутса, унинг маънавий дунёси юксак эканлигидан далолат беради. Ўқитувчининг ҳосили — иш ва дарснинг самараси, етук шогирдлари, унинг янгиликка интилувчанлиги билан ўлчанганлиги тўғри бўлди.

* * *

Таҳририятимизга шу мавзуда Ю. Умаров, С. Султонов, О. Жакпаров, Р. Жўраева, Т. Сиддиқов, З. Ҳамдамова, Р. Тиллаев, М. Саидаҳмедов, М. Расулов, М. Хўжамқулова, С. Серекеева ва бошқалар ҳам хат хабарлар йўллашган.

Узундан-узоқ маърузалардан сўнг бироз кўнгилни яйратиш нақадар соз. ТошДД қошидаги жумҳурият физика-математика, химия-биология фанларига ихтисослашган махсус мактаб-интернат ўқувчилари ўқишдан бўш пайтларда ўзлари меҳр қўйган ҳунарлар билан машғул бўлишади.

Тасвирда: бир гуруҳ қизлар дутор чертиш машқини олишмоқда.

Суратчи У. ХУШВАҚТ.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН «Маърифат»ГА ХАТЛАР

ҚУЁШГА ҚИЁС

Севимли рўзномамиз «Маърифат» номи билан чиқа бошлаганидан буён уни қуёшга қиёс этгим келади. Дарҳақиқат, «Маърифат» халққа билим нури, қалбларни зиё чашмасидан баҳраманд этиш демакдир. Бизнинг «Маърифат» рўзномамиз ва муаллимлар аҳли ана шундай шарафли, муқаддас, эзгу ишларни адо этишга бел боғлаганидан ўзимни бахтли ҳисоблайман.

Рўзномани мутолаа қиларканман, қалбимни турли орзу-истаклар қамраб олади. Бир истагимни таклиф асосида ҳавола қилмоқчи эдим. Таклифим шуки, «Маърифат» рўзномасининг ўз номи, ғояси ва доимий мавзусига мос рамзий тасвири бўлиши керак. Биринчи саҳифада рўзнома номи — «Маърифат», ўнг томонда унинг арабча номланиши ва «халқ зиёлилари рўзномаси» деган жумла бор. Фикримча, рўзноманинг номи бироз ихчамроқ ёзилиб, яъни унинг чап томонидан рамзий тасвир учун жой ажратилади. Хўш, рамзий тасвир қандай бўлмоғи керак? Менинг тасаввуримдаги рамзий тасвир қуйидагича: Китоб ва қуёш ёки китоб қуёш бўлиб нур сочаяпти. Мулоҳаза қилиб кўрайлик. Рўзноманинг асосий муштарийлари ўқитувчилар. Билим манбаи китоб эса уларнинг кундалик иш қуроли ва маънавий эҳтиёжи. Қолаверса, «Маърифат» ва бу рамзий тасвир (эмблема) маъно жиҳатдан ҳамоҳанг фикр билдиради. Сизнинг фикрингиз қандай, азиз ҳамкасблар?

О. ОМОНОВ,
Андижон шаҳридаги 22-мактаб ўқитувчиси.

МУШТАРИЙ ТАКЛИФ ЭТАДИ

ҚАЙТА ИШЛАНСА...

Кейинги пайтларда чет тилини ўқитишга эътибор тобора ошиб бормоқда. Афсуски, кўп йиллардан буён дарсликларимиз талабга жавоб бермас эди. Айниқса, қуйи синфлар учун дарсликлар ниҳоятда паст савияда ёзилган. Шукрки, шу ўқув йилидан бошлаб янги дарсликлар қўлимизга келиб етди. Жумладан, немис тили фанидан чиққан 5-синф учун дарслик талаб даражасида эканлиги қувонарли ҳолдир. Мен бир ўқитувчи сифатида 5-синф дарслиги муаллифлари М. М. Ахмедшин ва Н. И. Токарскаяга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Дарсликдаги барча мисоллар, гаплар, иборалар, грамматик материаллар ҳар бир мавзуга алоҳида мослаштирилган. Бироқ тўққизинчи синф дарслигида аниқ мавзуларни учрата олмаймиз, деярли расмлар йўқ. Муаллифларимиз бу дарсликни қайтадан ёзсалар, айни муддао бўлар эди.

Б. ЭЛБЕКОВ,
Сурхондарё вилояти Ленин йўли ноҳиясидаги 14-мактаб ўқитувчиси.

БИЛИБ ҚУЙИГАН ЯХШИ

Қаламни ҳамма билади. Кишилар унинг ёрдами билан хат ёзадилар, расмлар, бадиий ишларнинг хомаки нусхаларини аввало қаламда чизадилар.

Қадимги римликлар учи ўткирлаштирилган металл таёқча билан мум тахтачаларга ёзардилар. Материалнинг сиртида қора из қолдирадиган қўрғошин таёқчалар кейинчалик жуда кенг тарқалиб кетди. Ўрта асрдаги ўқувчи ҳамиша ўзи билан қўрғошин мих ва теридан қилинган «дафтар» олиб юрарди.

Қоғоз майда бўлиши билан қўрғошин ва кумуш таёқчалардан рассомлар кенг фойдаланадиган бўлдилар. Расмлар қоғозга оз-озгина пушти, яшил, оқ ва шу каби ранглардан қўшиб чизилардилар.

1790 йилда графит қалам ихтиро қилинди. Француз механиги Конте графит кукунини қориштириб, қалам ясаш усулини ўйлаб топди: графит кукунини маълум миқдорда хилма-хил тупроқ билан аралаштирди, кейин у қисиштирилиб, ёғоч қабиққа ўралди. Натижада ҳозир ишлатилаётган қаламларга ўхшаш қалам юзага келди.

С. ОДИЛОВА тайёрлаган.

⊙

ЁШ ТАРИХЧИЛАР БАҲСИ

Анъанага айланиб қолган мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадалари Амударё ноҳиясига қарашли илм масканларида ҳар доим қизғин тортишувга бой беллашув тусини олади. Яқинда ноҳия марказидаги Гагарин номли ўрта мактабда ана шундай беллашув бўлиб ўтди. Унда ёш тарихчилар ўзаро баҳслашдилар. Улар олимпиаданинг иккинчи босқичида ҳам қатнашиш учун бор билим ва маҳоратларини ишга солдилар.

Беллашувда З. Шоднева, Т. Боймонова, Р. Болтабоева, И. Аҳмедов каби ўқувчилар ғолиб чиқиб, келгуси тур мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ҳ. ХУДОЁРОВ.
Қорақалпоғистон.

МУШТАРИЙ БОНГ УРАДИ

ҚОРА АЛАНГАНИ ЎЧИРАЙЛИК

Мурожаат қиламан, тингланг, қадрдонларим! Жар ёқасида турган одамдек ҳайқириб, қўлидаги бир тўғрам нонини ўғри олиб қочган девонадек ун чекиб, чирқиллаб турган бир этак болалари ғамида кун сайин сочсоқолини қор, юрагини зулмат қоплаётган чорасиз отадек йиғлаб-қақшаб, зорланиб, ялиниб мурожаат қиламан! Акасининг эскисини кийиб мактабга келган мустаргина бола номидан, боғчадан қорни тўймай қайтган норасидалар номидан мурожаат қиламан! Балоғатга етган ўғил-қизнинг тўйларини ўйлаб, кундуз ороми, тунлари уйқуси қочган ўзи оч, кайфияти вайроналар номидан мурожаат қиламан!

Ҳар бир қонун ва давлатни ҳурмат қиладиган виждонли кишининг ҳатто ўртача ҳам яшаши мушкул бўлиб қолди-ку! Чайқовчи деган зулуклар нафсониятимизни эзиб-топтамоқда, қадр-қимматимизни ҳақорат қилмоқда. Чигирткалардек йўлида учраган нарсани еб-кемириб, ҚОРА АЛАНГАдек бостириб келмоқда. Улар кирмаган уй, мактаб, боғча, улар босмаган йўл қолмади!

Одамни ваҳима босади — наҳотки ҳамма чайқовчига айланган бўлса? Наҳотки савдо ходимларига ҳар қандай мол устига нарх қўйиб чайқовчига бер, меҳнаткаш учун очиқ савдо қилсанг гуноҳга ботасан, ҳеч қачон биринг икки бўлмайди, деб фотиҳа беришган бўлса! Агар гапларим туҳмат бўлса, қаранг, игнадан тортиб туягача чайқовда-ку! Бу ҳақиқат-ку, ҳой яхшилар! Ҳой, катта-кичик раҳбарлар! Ҳой, қонунни ҳимоя қилувчилар! Бозор иқтисодиёти барча қонуну кўрсатмаларни еб битирадими, ёки?... Биз ҳурмат қиладиган, биз итоат қиладиган қонунлар қолмадими ўзи бу ёруғ дунёда? Халқнинг норозилигидан, омма қалбидаги кекнафратдан, наҳотки мутлақо бехабармиз?!

Тобора бостириб келаётган чайқовчилик офатига, эрта-индин бор қадриятларимизни, меҳр-оқибатни, тартиб-қоидани куйдириб кул қилишга қодир ҚОРА АЛАНГАГА қарши курашайлик. Кўплашиб, бирлашиб унинг йўлига чиқайлик, тўхтатайлик уни, ўчирайлик! Мен вилоят халқ ноиби сифатида ушбу даъватимга маҳаллий ҳокимиятлардан, юртдошларим, Сизлардан жавоб кутаман! Овоз беринг!...

Эргашали АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилояти Фурқат ноҳиясидаги 6-мактаб директори.

НУРГА ЗОРМИЗ...

Биз тўрт хонадон (ҳаммаси ўқитувчи) уч-тўрт йилдан бери электрсиз яшамоқдамиз. Ноҳия ижроия қўмитасига арз қилсак, парво ҳам қилмайди. Тасаввур қилинг, ҳозирги замон ўқитувчиси чироқсиз — телевизор, радио, дазмолсиз қандай ижодкор ўқитувчи бўлиши мумкин? Югура-югура чарчадик, 10—15 та симёғочга наҳотки арзимасак? Пулимизга сотиб олишга ҳам розимиз. Фақат қуриб беришса, бас. Электр линиясигача бўлган масофа 300 метр чамаси. Ёрдам беринг, деб ой нурида хат ёзувчилар.

Б. ҚУРБОНОВ, А. АВАЗОВ, Х. ТУРАҚУЛОВ, Х. ҲАСАНОВ.
Қашқадарё вилояти Деҳқонобод ноҳияси.

ЯНГИ ҚУЛЛИЁТ

Ҳ. Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика олий илмгоҳи яна бир янги куллиёт билан бойиди. У «Педагогика ва бошланғич таълим» куллиётидан ажраралиб чиқиб, «Мактабгача тарбия, педагогика-психология ва мусиқа» номи билан юритила бошланди.

Эндиликда ана шу янги куллиётнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида 700 нафардан ортиқ талаба таҳсил кўрмоқда. Дарвоқе, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, олий илмгоҳда кейинги пайтларда эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда бу каби ишларкенг қулоч ёзган. Хусусан, талабаларни ётоқхона билан тўлиқ таъминлаш, олий илмгоҳда ободонлаштириш ишлари ҳам кенг йўлга қўйилган. Бундан талабалар ҳам, илмгоҳ педагоглари ҳам мамнун бўлишмоқда.

Ў. НУРҚОБИЛОВ,
жамоатчи мухбиримиз.



ТЎРТ ҲАРФЛИ БОШҚОТИРМА

Қадрли муштарий! Ушбу бошқотирма соат мили йўналишида ҳал этилади.

1. Спорт тури. 2. Мақом. 3. Қазилма бойлик. 4. Куч ўлчов бирлиги. 5. Санъат тури. 6. Энг кичик туб сон. 7. Иззат Султон асари. 8. Того республикаси пойтахти. 8. Жаҳонга машҳур футболчи. 10. Катта Антил оролидаги давлат. 11. Шарбатли мева. 12. Баҳор гули. 13. Тўқимачилик матоси. 14. Ғарбий Осиёдаги мамлакат. 15. Балиқ тури. 16. Музика ёзуви. 17. Дам олиш ўйини. 18. Ўлчов бирликлари номларининг олд қўшимчаси. 19. Юк кўтарувчи механизм. 20. Африкадаги қадимий давлат. 21. Чақириқ. 22. Пардозлик суюқлиги. 23. Узунлик ўлчов бирлиги. 24. Тасвирий санъат. 25. Пахта хомашёси. 26. Ҳарбий қисм. 27. Сув транспорти. 28. Бошоқли ғалла экини. 29. Ёз фаслининг эскича номи. 30. Ғўза ҳосили. 31. Ёзма иш тури. 32. Қора танли ирқ. 33. «Кейин» сўзининг маънодоши. 34. Халқ терма қўшиғи. 35. Самовий жисм. 36. Безак ўсимлиги.

Тузувчи Т. ҒАНИЕВ,
Фарғона вилояти Бувайда ноҳиясидаги 13-мактаб ўқитувчиси.

МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

МЕТОДИКАДА ЙЎҚ НАРСАМИ?

Сир эмас, янги ўқитувчини ўқувчилар ўз «қилиқ»лари билан синаб кўрадилар. Шундай пайтда ўқитувчи ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳи устидан синф раҳбарига ёки мактаб раҳбарларига шикоят қилса, ўқувчилар олдида ўзи сезмаган ҳолда обрўси пасаяди. Яхшиси, ўқитувчи бўлиб ўтган ҳодисага ўз фикрини билдириши, қоидани бузган ўқувчиларга нисбатан ҳукм ва хулосани ўзи чиқариши керак, токи бу ҳукмдан айбдор ўқувчилар ҳам рози бўлсинлар. Ана шундагина ўқитувчининг синфдаги обрўси ортиши мумкин.

Илмгоҳда бўлажак ўқитувчиларни таълим томонидан тайёрлашади-ю, тарбиясига эътибор берилмайди. Менимча, талабанинг мактаблардаги амалий иш даврини узайтириш керак. Кейинги 3 курс давомида талабани бирор мактабга, бирор синфга бириктириб қўйиш зарур. Ҳафтада 1—2 марта хабар олсин, синфдаги аҳвол билан қизиқсин, қисқаси, синф ҳақида синф раҳбаридек қайғурсин. Ўшанда у олий даргоҳни битириб мактабга келганида, ўзини ўзга нотаниш оламга келгандек эмас, балки одатдаги, кундалик иш жойига келгандек ҳис қилади.

Яна бир мулоҳаза: олийгоҳни битирганимга 7 йил бўляпти. Беш йил ўқиш давомида бирор марта мактабда синф раҳбарининг синф папка тутиши, уни юритиши ҳақида бирор оғиз гапирилмаган. Мактабга келгач билдимки, синф папкаси — синф раҳбарининг асосий ҳужжати экан. Секин-аста уни юритишга ўрганиб кетдим, лекин, онгимда шундай савол сақланиб қолди: синф раҳбарининг папка тутиши методикада борми? Агар бўлса, нима учун олийгоҳда бизга бу ҳақда ҳеч нима дейишмади?

Бу тўғрида тажрибали ўқитувчилар ва олий даргоҳ ўқитувчилари ҳам ўз фикрларини билдирадилар, деган умиддаман.

И. ХОЛМАТОВ,
Норин ноҳиясидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топширйш вақти 20.00 Босишга топширилди 20.00. Тиражи 140000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12